БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 154 (18.631). ● Пайшанба, 1983 йил 7 июль ● Баҳоси 3 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮНЬ (1983 ЙИЛ) ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

КРЕМЛДА СУҲБАТ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов 5 июлда ГФР федерал канцлери Г. Коль ва федерал канцлер ўринбосари, федерал ташқи ишлар министри Г.-Д. Геншер билан суҳбатлашди.

Н. А. Тихонов билан Г. Коль икки томонлама муносабатларга доир масалалар юзасидан фикрлашиб, шу муносабатларнинг иқтисодий жиҳатларига асосий эътибор бердилар. Салмоқли ҳуқуқий негизга таянаётган савдо-иқтисодий алоқалар СССР ва ГФРнинг ўзаро манфаати йўлида барқарор ривожланаётганлиги мамнуният билан қайд этиб ўтилди.

Томонлар иқтисодий ҳамкорликни янада кучайтириш учун шарт-шароитлар мавжуд деган қатъий ишончни билдирдилар. СССР ва ГФРнинг иқтисодий ҳамда илмий-техникавий ҳамкорлик комиссиясининг кузда бўлажак сессиясида шундай ҳамкорликнинг бир қанча конкрет лойиҳалари кўриб чиқилиши тўғрисида ҳамжиҳатликка эришилди. Мана шу лойиҳаларни амалга оширишда ГФРнинг катта фирмалари ҳам, шунингдек ўртача ва майда фирмалари ҳам иштирок этиши мумкин бўлур эди.

Тинчлик, давлатлар ўртасида ишончни мустаҳкамлаш шароитидагина барча соҳаларда, шу жумладан, савдо-иқтисодий соҳада ҳам ҳамкорлик муваффақиятли ривожланиши мумкинлиги таъкидланди. Шу билан бирга бундай алоқаларни кенгайтириш Европада барқарорлик ва яхши қўшничиликнинг муҳим омилидир.

Суҳбат ишчанлик вазиятида ўтди. (ТАСС).

ИШЧАНЛИК ВАЗИЯТИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов 5 июль куни Германия Федератив Республикасининг федерал канцлери Г. Коль ва ГФР федерал канцлерининг ўринбосари, ташқи ишлар министри Г.-Д. Геншер билан учрашди.

Ишчанлик вазиятида ўтган суҳбатда ҳар иккала томонни қизиқтирувчи масалалар муҳокама қилинди.

(ТАСС).

МОСКВАДАН ЖЎНАБ КЕТИШДИ

Совет раҳбарларининг таклифига биноан СССРга келган ГФР федерал канцлери Г. Коль 6 июль куни Москвадан Киевга жўнаб кетди.

Аэродромда меҳмонни СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

ГФР федерал канцлерининг ўринбосари, ташқи ишлар министри Г.-Д. Геншер шу куниёқ Боннга жўнаб кетди.

(ТАСС).

МУЗОКАРАЛАР ТУГАДИ

5 июль куни тушдан кейин Кремлда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андропов билан Германия Федератив Республикаси федерал канцлери Г. Коль ўртасида якунловчи суҳбат бўлиб ўтди. Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико ва федерал канцлер ўринбосари, ГФР ташқи ишлар министри Г.-Д. Геншер қатнашдилар.

СССР билан ГФР ўртасидаги муносабатларнинг принципиал масалалари хусусидаги фикрлашувлар шу муносабатларни Москва шартномаси асосида, иккала мамлакат халқларининг манфаатларини кўзлаб, Европа ва халқаро хавфсизлик манфаатларини кўзлаб янада ривожлантириш имкониятлари нуқтаи назаридан давом эттирилди.

Ю. В. Андропов шуни уқтириб ўтдики, СССР билан ГФР Москва шартномасига таяниб, умуман ўтган йиллар мобайнида умумий тил топишга, вужудга келган муаммоларни иккала томонга мақбул тарзда ҳал этиш йўлини топишга муваффақ бўлдилар. Бу тажриба — иккала мамлакатнинг мулкидир. Бу мулк ҳозир вужудга келган халқаро вазиятда исроф қилинмаслиги муҳимдир.

Ғарбий Германия томони ГФРнинг ҳозирги ҳукумати СССР билан ГФР ўртасидаги муносабатларни Москва шартномаси ва иккала мамлакат шундан кейин имзолаган битимлар негизида ривожлантириш тарафдори эканлиги тўғрисидаги ваъдаларни такрорлади.

СССР билан ГФР ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш эҳтимолининг бир қанча конкрет жиҳатлари ҳам кўриб чиқилди. Томонлар илгари ўз ўрталарида фикрлашиб олинган баъзи масалалар хусусидаги музокараларни давом эттириш тўғрисида келишиб олдилар.

Суҳбат пайти. (ТАСС — ЎзТАГ телефотоси.

Яна бир қанча масалалар, шу жумладан, Марказий Европадаги қуролли кучларни ва қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисидаги Вена музокаралари хусусида гаплашиб олинди.

Суҳбат қатнашчилари бу суҳбатнинг ошкора ва амалий характерини уқтириб, Москвадаги Совет — Ғарбий Германия музокаралари чоғида муҳокама қилинган масалалар хусусида келгусида ҳам томонлар ўртасидаги фикрлашувлар давом эттирилади, деб келишиб олдилар.

(ТАСС).

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг қарори

РЕСПУБЛИКАДА КАПИТАЛ ҚУРИЛИШНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ҲАМДА УЙ-ЖОЙЛАРНИ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, СОЦИАЛ ВА МАДАНИЙ-МАИШИЙ ОБЪЕКТЛАРНИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИШНИ ТАЪМИНЛАШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ В. К. Михайловнинг республикада капитал қурилишни янада яхшилаш ҳамда уй-жойлар, ишлаб чиқариш, социал ва маданий-маиший объектларни фойдаланишга топширишни таъминлаш тадбирлари тўғрисидаги докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, шуни қайд этадики, республика меҳнаткашлари партия ташкилоти раҳбарлигида 1983 йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажариш устида зўр ғайрат билан ишламоқдалар.

Барча совет кишилари каби республика меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумининг, СССР Олий Совети саккизинчи сессиясининг қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов СССР Олий Совети Президиумининг Раиси лавозимига сайланганлигини тўлатўкис маъқуллайдилар.

Улар КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини, партиянинг халқ фаровонлигини оширишга, ер юзида тинчликни сақлаб қолиш йўлини якдиллик билан астойдил қўллаб-қувватлайдилар, партиянинг янада уюшқоқлик ва самарадорлик билан ишлаш, меҳнат интизомини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларини муваффақиятли бажариш тўғрисидаги даъватига амалий ишлар билан жавоб бермоқдалар.

Ўзбекистон ССР министрликлари, давлат комитетлари ва идоралари, республика халқ депутатлари Советлари КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари қарорларини бажара бориб, қурилиш ҳажмини оширишга, унинг самарадорлигига ва сифатини юксалтириш соҳасида катта ишларни бажармоқдалар. Ушбу беш йилликнинг икки йили мобайнида шу соҳада республикада 11,8 миллиард сўм ўзлаштирилди. Капитал маблағ сарфлаш ва қурилиш-монтаж ишлари лимитини ўзлаштириш планларини ошириб бажарилди.

Халқ хўжалигида техника тараққиётини таъминлаб берувчи электроэнергетика, машинасозлик, металлургия, химия ва бошқа саноат тармоқларининг қуввати юқори суръатлар билан ошириб борилмоқда.

КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукумати суғориладиган деҳқончиликни ривожлантиришга жуда катта ёрдам бериб, оталарча ғамхўрлик қилиб келаётганликлари туфайли республикада Жиззах ва Қарши территориал-ишлаб чиқариш комплекслари бунёд этилмоқда. Қорақалпоғистон АССРдаги, Бухоро ва Сурхондарё областларидаги ерларни ўзлаштириш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда.

Республика қурувчилари интернационал бурчларини бажариб, Ноқоратупроқ зонани ўзлаштиришда, шунингдек БАМдаги ва Тюмендаги объектлар қурилишида актив қатнашмоқдалар.

Уй-жой ва маданий-маиший қурилиш соҳасида катта программа амалга оширилмоқда. Икки йил ичида умумий (фойдали) майдони 11,7 миллион квадрат метр бўлган 184,6 минг янги шинам квартира ва уй-жой, шу жумладан уй-жой қуриш кооперативлари йўли билан 809 минг квадрат метр ва ишчилар, колхозчилар, хизматчиларнинг маблағлари ҳисобидан 4,6 миллион квадрат метр ҳажмида уй-жой қурилди. Шу вақт ичида 1 миллион 258 минг киши ўзининг уй-жой шароитларини яхшилаб олди. Умумий таълим мактаблари, мактабгача тарбия муассасалари, касалхоналар ва поликлиникаларни ишга тушириш топшириқлари ошириб бажарилди. Қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуришга, хутор системасини тугатишга катта эътибор берилмоқда.

Қурилишнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда. Республикада қурдатли ишлаб чиқариш базасига, уй-жойларни тўла-тўкис йиғувчи заводларга эга бўлган йирик қурилиш ва монтаж ташкилотлари вужудга келтирилди. Қисқа муддатларда йирик объектларни бунёд этиш соҳасида бой тажриба тўплаган барқарор қурилиш коллективлари шакллантирилди. Цемент, оҳак, деворбоп ва томга ёпиладиган материаллар, пардозлаш плиталари ишлаб чиқариш қувватлари анча ривожланди.

Шу билан бирга Ўзбекистон ССР Олий Совети капитал қурилишдаги ишларнинг аҳволи ҳали Марказий Комитетнинг 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумлари қарорларида, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг кўрсатмаларида қўйилган юксак талабларга тўлатўкис жавоб бермайди, деб ҳисоблайди.

Кўпгина министрликлар, давлат комитетлари ва идоралар, қурилиш ва монтаж ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари уй-жойларни, бир қанча ишлаб чиқариш ва социал-маиший объектларни фойдаланишга топшириш юзасидан беш йилликнинг ўтган даври топшириқлари бажарилишини таъминламадилар.

1983 йилнинг биринчи ярмида умуман республикада пудрат ишлари плани бажарилгани ҳолда 10 та энг муҳим ишлаб чиқариш қурилишида план бажарилмади.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги Ўзбекистон металлургия, Олмалиқ кон-металлургия, Тошкент тўқимачилик комбинатлари, лак-бўёқ заводи ҳамда Қўқондаги янги химия заводи қурилишида биринчи ярим йиллик планларини бажармади. Главташкентстрой Тошкент тўқимачилик комбинатининг филиали қурилишида, Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети Андижон областидаги Ильичевск пайпоқ тўқиш фабрикаси ҳамда Бухоро тўқимачилик комбинатининг Китоб шаҳридаги филиали қурилишида, Узколхозстрой эса Андижон ип газлама комбинатининг Уйчи посёлкасидаги филиали қурилишида пландан анча орқада қолишишига йўл қўйди.

Бухоро, Тошкент ва Қашқадарё областларида уй-жой қурилиши планлари бажарилмаётир.

Республикадаги айрим министрликлар ва идоралар, маҳаллий Советларнинг бир қатор ижрокомлари КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг уй-жой қуриш кооперативлари йўли билан уй-жой қуришни кучайтириш ва якка тартибда қуриладиган уй-жойларни кескин равишда кўпайтириш тўғрисидаги қарорини тўла бажараётганлари йўқ.

Бир қатор қурилиш бўлинмаларида меҳнат унумдорлиги паст. Техника тараққиётини, меҳнатни ташкил этишнинг илғор формаларини, биринчи навбатда бригада пудратини жорий этиш тадбирлари тўла-тўкис амалга оширилмаяпти. Қурилиш техникаси ва механизмлардан қониқарсиз фойдаланилмоқда. Қурилиш сифатини яхшилаш, илғор тажрибани кенг ёйиш, қурилишда таннархни камайтириш, моддий ва меҳнат ресурсларини тежаш соҳасида етарлича чора-тадбирлар кўрилмаяпти. Кўпгина трестлар ва бошқармаларда меҳнат интизоми бўш, кадрларнинг қўнимсизлиги катта. Қурилиш индустриясининг базаси етарлича суръатлар билан ривожланаётгани йўқ. Норуда ва маҳаллий бинокорлик материаллари ҳамон камчил бўлиб турибди.

Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг капитал қурилишга раҳбарлик қилиш соҳасидаги фаолиятидаги жиддий камчиликларга барҳам берилган эмас. Советлар ўз территорияларида хўжаликни комплекс ривожлантириш мақсадида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар куч-ғайратини мувофиқлаштириш ва улар маблағларини бирлаштириш соҳасидаги ўз ваколатларидан тўла фойдаланмаяптилар.

Область, шаҳар, район Советларининг ижроия комитетлари, доимий комиссиялари кўпинча планлар қандай бажарилаётганини, капитал маблағларни ўзлаштириш ҳамда қурилаётган объектларни ишга тушириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва кадрлар қўнимсизлигини камайтириш чораларининг амалга оширилишини кун сайин контроль қилмайдилар. Улар қурувчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш масалаларини камдан-кам қараб чиқмоқдалар. Бир қатор областларда маҳаллий Советларнинг титул рўйхатлари асосида амалга оширилаётган уй-жойлар ҳамда маданий ва социал-маиший объектлар қурилиш планлари бажарилмаяпти. Уй-жой қуриш кооперациясини ва якка тартибдаги қурилишни ривожлантиришга етарли эътибор берилмаяпти.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, республика министрликлари, давлат комитетлари ва идоралари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари маҳаллий Советлари, қурилиш-монтаж ва лойиҳа ташкилотларининг энг муҳим вазифаси ишлаб чиқариш қувватларини, уй-жойлар, мактаблар, мактабгача тарбия, даволаш муассасаларини қуриб ишга тушириш бўйича ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажаришдан иборат деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон ССР Қурилиш, Қишлоқ қурилиши, Бинокорлик материаллари саноати, Мелиорация ва сув хўжалиги, Автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш министрликлари, Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети, Главташкентстрой, Главсредазирсовхозстрой, Узколхозстрой зиммасига ишлаб чиқариш қувватларини, уй-жойларни, социал-маданий-маиший объектларни белгиланган муддатларда ҳеч сўзсиз фойдаланишга топшириш юзасидан қўшимча тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорларига мувофиқ меҳнат унумдорлигининг кескин оширилиши таъминлансин, бу вазифа экономикани ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаси қилиб қўйилсин. Қурилиш техникасидан, моддий-техника ресурсларидан, иш вақтидан фойдаланиш қатъий яхшилансин, техника тараққиёти соҳасида белгиланган тадбирлар амалга оширилсин. Қурилишни индустриялаштириш суръатлари ошириб борилсин, техника тараққиёти соҳасида амалга оширилаётган тадбирлар техника-иқтисодий кўрсаткичларнинг яхшиланишига актив таъсир кўрсатиши, тугалланмаган қурилиш ҳажмларининг камайишига ёрдам бериши учун объектларни, конструкциялар ва буюмларни заводда тайёр ҳолда чиқариш даражаси ошириб борилсин.

Бригада хўжалик ҳисоби асосида қурилиш ишларини ташкил этиш такомиллаштирилсин, ишлаб чиқаришнинг инженерлик тайёргарлиги даражасини оширишга, нормативлар ҳисоб ҳужжатларини жорий этишга алоҳида эътибор берилсин, пудратчи коллективларни моддий-техника жиҳатдан таъминлаш йўлга қўйилсин.

Ҳамма ерда сифатни бошқаришнинг комплекс системасини жорий этиш асосида қурилиш сифатини яхшилаш тадбирлари амалга оширилсин.

Иқтисодий иш савияси оширилсин, қурилиш-монтаж ишларининг таннархи камайишига эришилсин, иқтисод ва тежамкорлик режими мустаҳкамлансин.

3. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари область ва Тошкент шаҳар Советларининг ижроия комитетлари зиммасига:

маҳаллий Советлар объектлари қурилишида иш суръатларини кескин ошириш ҳамда уларни фойдаланишга топшириш планларини сўзсиз бажариш учун зарур чораларни кўриш;

уй-жой қуриш кооперативларини ривожлантиришга, аҳолиса қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қурилишини кенгайтиришга бутун чоралар билан ёрдам бериш вазифаси юклатилсин.

4. Ўзбекистон ССР Госплани, республика министрликлари, давлат комитетлари ва идоларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларига капитал маблағларнинг, моддий ва одам ресурсларининг ишга туширилаётган қурилишларга тўпланишини, янгидан бошланадиган ва бир вақтда қуриладиган объектлар сонининг қисқартирилишини таъминлаш вазифаси топширилсин. Капитал маблағлар, ускуналар, кабель маҳсулотлари, махсус материаллар, конструкциялар ва металларни қурилиш муддатларига мувофиқ ҳолда етказиб бериш, шунингдек ишга туширишсозлаш ишларини ўз вақтида бажарилиши назарда тутилсин.

Лойиҳалаш сифати ва қурилишнинг смета қийматига риоя қилинишини устидан контрол кучайтирилсин. Лойиҳалаш ва қурилишнинг зарурлиги ҳамда максадга мувофиқлигини техника-иқтисодий жиҳатдан асослаш даражаси оширилсин. қурилиш экономикаси соҳасидаги ишлар кучайтирилсин. Объектларни окилона жойлаштиришга. қурилиш майдонларини танлаш ҳамда уларни фойдаланишга. лойиҳа ишлари планларининг капитал қурилиш планлари билан боғланишига алоҳида эътибор берилсин.

5. Ўзбекистон ССР Госпланига. СССР Давлат банки ва қурилиш банки республика контораларига капитал маблағлар ва пудрат ишларининг тўғри планлаштирилиши устидан контролни кучайтириш, бу соҳада белгилаб кўйилган тартибга қатъий амал қилиш вазифаси топширилсин.

6. Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги. Озиқ-овқат саноати министрлиги, Гўшт-сут саноати министрлиги, пудратчи министрликлар ва идоларга. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи корхоналар қувватларини ишга тушириш ва ўзлаштиришни тезлаштириш топширилсин.

7. Ўзбекистон ССР Госстройидан лойиҳа ташкилотларининг ишини контрол қилишни кучайтириш. улар ишлаб чиқаётган лойиҳалар. саноат узеллари схемаларининг сифатини катъиян яхшилашга, шунингдек саноат ва граждан бинолари ҳамда иншоотларининг архитектуравий даражасини оширишга эришиш талаб қилинсин.

Фан-техника ютуқларини, тугалланган илмий-тадқиқот ишларини, енгил материаллар ва конструкцияларни лойиҳалаш, қурилиш практикасига ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга жорий этишни анча кенгайтириш, бинолар ҳамда иншоотларни йиғма усулда тайёр лаш даражасини ошириш зарур деб ҳисоблансин.

8. Республика халқ депутатлари Советлари, уларнинг ижроия ва бошқарув органларига, доимий комиссияларига:

Қурилиш масалалари юзасидан ўз территорияларида жойлашган корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасидаги ваколатларидан тўлароқ фойдаланиш;

Қурилиш масалаларини мунтазам муҳокама қилиб бориш, қабул қилинаётган қарорларнинг амалий бўлишига эришиш, қурилиш-монтаж ишлари планларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш топширилсин. Уй-жой — граждан объектларини бунёд этиш муддатларига риоя қилинмаган ҳар бир ҳол давлат интизомини жиддий суратда бузиш деб қаралсин;

уй-жойларни ва социал-маиший объектларни ўз вақтида ва муддатидан илгари фойдаланишга топириш учун социалистик мусобақани авж олдириш, қурилаётган объектларда депутатлар постларининг ишини активлаштириш;

«Меҳнат коллективлари ва уларнинг корхоналар, муассасалар, ташкилотларни бошқаришдаги ролини ошириш тўғрисидаги» СССР Қонуни талабларига амал қилиб, қурилишда меҳнат ва технология интизомининг мустаҳкамланишига эришиш, кадрлар қўнимсизлигини қисқартириш чораларини изчиллик билан амалга ошириш, бунда қурувчилар учун нормал уй-жой ва социал-маиший шароитлар яратиб беришга, малакали кадрлар тайёрлашни такомиллаштиришга биринчи даражали эътибор бериш вазифаси топширилсин.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети республика министрликлари, давлат комитетлари ва идоралари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари партия ташкилотларининг раҳбарлигида меҳнат коллективларини капитал қурилиш соҳасида 1983 йилги ва умуман ўн биринчи беш йиллик давлат планлари ва юксак социалистик мажбуриятларини сўзсиз бажаришга сафарбар этиш учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўрадилар, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезднинг улуғвор режаларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшадилар, деб қатъий ишонч билдиради.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХЎЖАЕВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри. 5 июль 1983 йил.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ П. В. ДОГОНКИННИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Партия, совет органларида кўп йил самарали ишлаганлиги, областнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида актив қатнашганлиги учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Фарғона область комитетининг иккинчи секретари ўртоқ Петр Васильевич **Догонкин** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри,
1983 йил 6 июль.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми социалистик мусобақада юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришганлиги, кўп йил самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги «Центраз энергоремонт» ишлаб чиқариш корхонасининг директори ўртоқ Тимур **Юнусовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган энергетик»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми социалистик мусобақада юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришганлиги, кўп йил самарали ишлаганлиги, республика энергетикасини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлиги учун Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги бош план-экономика бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Владимир Харитонович **Кербелга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган энергетик»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йил самарали ишлаганлиги ҳамда республикада юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишида эришган муваффақиятлари учун Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги раҳбар ва педагог кадрлар бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Қўйсин Аъзамович **Абдуллаевга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми геологияни ривожлантириш, ер бағрини ўрганиш ва разведка қилиш, фойдали қазилма конларини очиш ишидаги хизматлари учун Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Геология ва геофизика институти лабораториясининг мудири ўртоқ Муҳамад **Мансуровга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган геолог»** фахрий унвони берди.

ЯХШИ ДАМ — МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ДАМ ОЛИШИ УЧУН МАВЖУД ИМКОНИЯТЛАРДАН ЯХШИРОҚ ФОЙДАЛАНАИЛИК

Меҳнаткашларнинг оммавий дам олишини ташкил қилиш учун республикада жуда катта имкониятлар бор. Ҳар бир меҳнатчига ва унинг аъзосига ўз сиҳат-саломатлигини яхшилаб мустаҳкамлаб олишга ёрдам бериш — ҳар бир меҳнат коллективининг, бутун жамоатчиликнинг энг муҳим вазифасидир. Меҳнаткашлар дам олишини уюштирувчи республика комиссиясининг 6 июль куни бўлиб ўтган мажлисида шу ҳақда гапирилди.

Мажлисда республика комиссиясининг тавсиялари Хоразмда қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Кейинги йилларда областда иккита санаторий-профилакторий, тўртта район истироҳат зонаси ва ўн учта дам олиш базаси ишга туширилганлиги қайд этилди. Болали оналар учун кооператив асосида санаторий қуришга ҳозирлик кўрила бошланди, иккита санаторий-профилакторийни, бир неча дам олиш базаси ва пионер лагерларини барпо қилиш ишлари давом эттирилмоқда.

Шу билан бирга комиссия мажлисида меҳнаткашларнинг дам олишини уюштирувчи область комиссияси шаънига танқидий мулоҳазалар ҳам айтилди. Бу ердаги кўпгина меҳнат коллективлари комплекс планда кўзда тутилган соғломлаштириш муассасаларини қуришга киришганлари йўқ. Қурилаётган объектларда ажратилган маблағларни ўзлаштириш суръатлари паст. Ишга туширилган санаторий ва профилакторийларнинг, истироҳат базалари ва зоналарининг, пионер лагерларининг айримларидан унчалик самарали фойдаланилмаяпти.

Республика комиссияси белгилаган тадбирларнинг амалга оширилиши Хоразмда меҳнаткашларнинг дам олишини уюштиришни анча яхшилаш имконини беради. Хоразм область касаба союзлари Совети билан Ўзбекистон ССР Госпланига бир қанча тавсиялар берилди.

Мажлисда «Главсредазирсовхозстрой» ишчилари ва инженер-техник ходимларининг дам олиши қандай ташкил этилганлиги тўғрисидаги ахборот тингланди. Янги ерларни ўзлаштирувчи кўп мингларлаб кишиларни бирлаштирувчи бу коллективда ҳам дам олишни ташкил қилиш учун мавжуд резервларнинг ҳаммаси ҳам ишга солинмаган. Бу ерда санаторий-профилакторийлар, дам олиш уйлари ва базалари тармоғи суст ривожлантирилган, социал-маданий тадбирлар ва уй-жой қуриш фондлари маблағининг анчагина қисмидан шу мақсадлар учун фойдаланилмаяпти.

Комиссия «Главсредазирсовхозстрой»га меҳнаткашларнинг дам олишини уюштиришни анча яхшилашга қаратилган тадбирларни кўришни тавсия этди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ VII СЕССИЯСИ

ҚУРИЛИШДА СИФАТНИ ЯХШИЛАЙЛИК, САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРАЙЛИК!

РЕСПУБЛИКАДА КАПИТАЛ ҚУРИЛИШНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ҲАМДА УЙ-ЖОЙЛАР, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОБЪЕКТЛАРИ, СОЦИАЛ ВА МАДАНИЙ-МАИШИЙ ОБЪЕКТЛАРНИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИШНИ ТАЪМИНЛАШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ДОКЛАД ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

Депутат Ҳ. А. ШОҒАЗАТОВ нутқи

ЖИЗЗАХ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Барча совет халқи сингари Жиззах областининг меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми ҳамда СССР Олий Совети VIII сессиясининг якунларини баланд руҳ билан қабул қилдилар. КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Пленумда сўзлаган нутқи меҳнат коллективларида ғоятда қизиқиш билан кутиб олинди, ҳамма ерда область меҳнаткашларининг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини юксалтириб юборди. Қишлоқ меҳнаткашларининг дон, ем-хашак, сабзавот ва мева ўрибйиғиб олиш борасидаги социалистик мусобақаси кенг қулоч ёзмоқда.

Область партия ташкилоти совет ва хўжалик органлари билан бирга капитал қурилишни такомиллаштириш билан доимо шуғулланиб келмоқда, планни бажариш ва объектларни ўз вақтида ишга туширишга зарур чораларини кўрмоқда. Қурилиш ташкилотларида ташкилий ва сиёсий ишларни кучайтириш, аввало меҳнат коллективларида давлат интизомини, план ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, топширилган иш участкаларидаги ҳамма план кўрсаткичлари сўзсиз бажарилиши учун раҳбарларга талабчанликни ошириш юзасидан қўшимча чоралар кўрилмоқда.

Область қурувчилари олдида катта ва мураккаб вазифалар турибди. Биз қурилиш ишларидаги мавжуд камчиликлар, нуқсонлар ва қолоқликларни ҳам кўриб турибмиз. Жиззах области мавжуд қувватлардан тўла фойдаланиш ва янги қувватларни ўзлаштириш, қурилиш муддатларини қисқартириш учун реал имкониятларга эга. Капитал маблағлар ва моддий техника ресурсларини сочиб юбориш фактларига ҳамон барҳам берилган эмас. Социал-маиший объектларни фойдаланишга топшириш беш йиллик планда кўзда тутилган топшириқлардан анча орқада. «Джизаксельстрой» «Джизакстепстрой»нинг кўпгина ташкилотлари меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан белгиланган топшириқларни бажара олмаяпти.

Областда капитал қурилиш борасида йўл қўйилган қолоқликни тугатиш, меҳнат ресурслари ва моддий ресурсларни ишга туширишга доиръ чоралар белгилаб чиқилди. Аммо айрим масалаларни ҳал этишда республика министрликлари ва идораларининг ёрдамлари зарур.

Республика қишлоқ хўжалик министрлиги Главсредазирсовхозстрой билан бирга фойдаланишга топширилган совхозларда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектларини қуришда йўл қўйилган қолоқликни бартараф этиш борасида келишиб олинган тадбирларни амалга оширишини, шу хўжаликлардаги чала ишларни қабул қилиш ва топириш борасидаги тасдиқланган лойиҳалар ва актларга тўла мувофиқ равишда битказиб беришини сўрардик.

Ҳозир Жиззах областида норуда материаллар ва ғиштнинг, йиғма темир-бетоннинг кўпчилиги республиканинг бошқа областларидан ташиб келтирилмоқда. Бу материаллар бир маромда келиб турмаслиги сабабидан қурилиш суръатлари оқсамоқда, одамлар ва механизмлар бекор туриб қолмоқда. Ҳолбуки областда разведка қилинган ва тасдиқланган хом ашё запаслари бўлишига қарамай, маҳаллий бинокорлик материалларини ишлаб чиқарадиган корхоналар қурилиши асоссиз равишда чўзиб юборилмоқда.

Жиззах областининг меҳнаткашлари капитал қурилиш суръатларини бундан буён ҳам муттасил такомиллаштириб ва кучайтириб бораверадилар, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш борасида белгиланган улкан режалар амалга оширилишига муваффақ бўладилар деб, ишонтиришга рухсат этгайсизлар. **(Қарсаклар).**

Депутат В. О. КОЗИМОВ нутқи

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ

КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми, СССР Олий Совети саккизинчи сессиясининг материаллари партия ва совет халқи кўп ёқлама бунёдкорлик ишларининг энг муҳим йўналишларини ўз ичига олади. Мамлакат коммунистлари, барча меҳнаткашлари тарихий олға ҳаракатимиз учун аниқ марраларни белгилаб олдилар. Эндиги вазифа халқ куч-ғайратини, унинг меҳнат шижоати ва социал активлигини катта ва муҳим вазифаларни бажаришга сафарбар этишдан иборат.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг республика ҳукуматининг доимий ғамхўрлиги ва ёрдами туфайли Тошкентнинг саноат потенциали йилдан йилга ўсиб, аҳолисининг фаровонлиги юксалмоқда.

Шаҳримиз ўсмоқда ва ободонлашмоқда. Шу йилнинг биринчи ярмидаёқ 335 минг квадрат метр уй-жой, мактаблар, бир неча мактабгача болалар муассасалари, поликлиника, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари фойдаланишга топширилди. Янги ишлаб чиқариш қувватларини қуриш, ишлаб турганларини реконструкция қилиш ва техника жиҳатидан қайта қуроллантириш борасида катта ишлар қилинмоқда. Капитал қурилишга раҳбарлик қилишда маҳаллий Советларнинг роли ошмоқда.

Экономиканинг ишга туширилмаган ва самарали фойдаланилмаётган резервлари ҳам борлигини яхши биламиз. Шаҳарнинг маҳаллий Советлари, қурилиш ва монтаж ташкилотлари уй-жойлар ва социал-маданий-маиший объектларни бир маромда қуриб бориши, барча уй-жой массивларини комплекс равишда қуришга тўла йўсинда муваффақ бўла олмади. Зарур моддий ресурслар ва одам ресурсларини ишга туширилдиган объектларга жамлаш қурилиш технологиясига қатъий риоя этиш борасида қилинмаган ишлар ҳам бўлди. Бригада пудратини қурилишга жорий этиш тадбирлари суст амалга оширилмоқда.

Капитал қурилиш масалаларини муваффақиятли ҳал этиш буюртмачиларнинг фаолиятига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу борада бизда кўпгина камчиликлар бор. Қилинган танқидлардан тегишли хулосалар чиқариб, буюртмачига боғлиқ ҳамма масалаларни қатъий белгиланган муддатларда ҳал этамиз, қурувчиларга кенг йўл очиб берамиз.

Қурилиш ташкилотлари айрим материал турлари билан ташкилий равишда таъминлаш етарли эмаслигидан маълум қийинчиликларга дуч келаётганликларини айтиб ўтмоқ керак. Главташкентстрой ва бошқа қурилиш ташкилотларига ёрдам бериб, ёғоч-тахта, безак плита (кошин), паркет, сантехника маҳсулотлари ва бошқа базси маҳсулотлар етказиб бериш масалалари тартибга солинишини, шунингдек шу маҳсулотларнинг сифати анча яхшиланишини сўрардик.

Шаҳар меҳнаткашлари олдида мураккаб вазифалар турибди. Йилнинг иккинчи ярмида 628 минг квадрат метр, ёки йиллик топшириқнинг 65 проценти миқдорида уй-жой, кўпгина мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари, шаҳар хўжалигининг бошқа бир қанча объектлари битказилиб, фойдаланишга топширилиши лозим.

Шаҳар партия ташкилотининг раҳбарлиги, маҳаллий Советлар депутатларининг, жамоатчиликнинг актив иштирокида Тошкент меҳнаткашлари белгиланган ҳамма ишларни амалга ошириш, Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейини меҳнатда янги-янги ютуқлар билан кутиб олиш учун қўлларидан келган ҳамма ишларни қиладилар. **(Қарсаклар).**

Депутат Х. ОТАЕВ нутқи

БУХОРОДАГИ 163-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИНИНГ ҒИШТ ТЕРУВЧИЛАР БРИГАДИРИ

Бугун республикада капитал қурилишни яхшилаш ҳамда уй-жой ва социал-маданий объектларнинг фойдаланишга топширилишини таъминлашга оид тадбирлар тўғрисидаги ғоят муҳим масала кўриб чиқилаётганлиги ишчилар синфининг вакили сифатида мени ғоят мамнун этмоқда.

Қурилиш трестимиз коллективи область меҳнаткашлари билан ягона сафда туриб республика экономикаси ва маданиятини ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Кейинги йилларда трикотаж ва пойабзал фабрикалари реконструкция қилинди, тўқимачилик комбинатининг иккинчи навбати, буйрак касалликлари санаторийсининг биринчи навбати, социал-маданий ва маиший хизмат корхоналарининг ўнлаб объектлари, кўплаб уй-жойлар фойдаланишга топширилди.

СССР Олий Советининг яқинда бўлиб ўтган сессияси меҳнат коллективлари тўғрисидаги қонунни қабул қилди. Бу эса меҳнаткашларнинг сиёсий онгини оширишга, уларнинг маданий ва профессионал савиясини ўстиришга, бошқариш ва хўжалик юритишни такомиллаштиришга кўмаклашади.

Мен бошчилик қилаётган бригада 30 кишини бирлаштирган. Бу коллектив пудрат асосида ишлаётган аҳил ва маҳкам жипслашган кичик бўлинмадир. Бизлар юзага келадиган ҳар қандай қийинчиликларни биргаликда ҳал этамиз, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, турдош касбларни эгаллашга, қурувчилик касбкорини уйғунлаштиришга алоҳида аҳамият берамиз. Уларнинг ҳаммаси планларни бир маромда бажаришга, социалистик мусобақада муваффақиятларга эришишга имкон бермоқда.

Бироқ ишимизда ҳали анчагина камчиликлар ва нуқсонлар бор. Материал ва техника ўз вақтида етказиб берилмаганлиги туфайли иш вақти бекор кетиш ҳоллари ҳам учрамоқда, ишдан кеч қолиш ва ишга келмай қолиш ҳолларига ҳозирча бутунлай барҳам берилгани йўқ. Бундай камчиликларни бартараф этишда бизга маъмурият, партия ва касаба союз ташкилоти ёрдам бермоқда.

Биз зарур техникавий ресурслар, малакали ишчи кадрларга эгамиз. Аммо трестимиз ишининг маромли қурилиш материаллари, айниқса ғишт етказиб берувчиларга боғлиқ. Бизлар ғиштни бундан ярим асрдан кўпроқ вақт илгари фойдаланишга топширилган заводдан оламиз. Мазкур заводда асбоб-ускуналар эскирган бўлиб, у ерда анча сифатсиз ғишт ишлаб чиқарилмоқда ва уни етказиб беришда узилишлар содир бўлмоқда. Бизлар заводни реконструкция қилишни жадаллаштиришни сўраймиз.

КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми ва СССР Олий Советининг сессияси қарорларидан руҳланган Бухоро областининг меҳнаткашлари 1983 йил ва умуман беш йиллик планлари ва социалистик мажбуриятларини бажаришга бутун куч-ғайратларини сарфлайди, деб ваъда беришга рухсат этгайсиз. **(Қарсаклар).**

Депутат Ж. ПОЛВОНОВ нутқи

«ҚАРАКАЛПАКИРСОВХОЗСТРОЙ» ТЕРРИТОРИАЛ БОШҚАРМАСИНИНГ БОШЛИҒИ

Барча совет халқи сингари Қорақалпоғистон автоном республикасининг меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумлари, СССР Олий Совети саккизинчи сессиясининг қарорларини баланд руҳ билан кутиб олдилар.

«Қаракалпакирсовхозстрой» бошқармасининг меҳнат коллективлари бу йил беш йиллик капитал қурилиш ва қимматли озиқ-овқат экини бўлган шоли етиштириш соҳасида ўз олдиларига қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаришга азму қарор берганлар.

Бизлар ўз меҳнатимиз билан ишлаб чиқариш — иқтисодий вазифаларнигина эмас, шу билан бирга социал вазифаларнинг ҳал этилишига кўмаклашамиз. Илгари ҳувиллаб ётган ерларда ўнлаб ихтисослаштирилган шоликор совхозлар қад кўтарди. Мазкур совхозларнинг ҳар бири йил сайин 15—25 минг тоннадан шоли етиштирмоқда.

Шоличиликни янада ривожлантириш соҳасида келгусида амалга ошириладиган ишлар кўламини назарда тутган ҳолда янги қурилаётган шоличилик совхозларида қувватларни ишга туширишни суръатларини жадаллаштириш зарур. Токи ҳар бир совхоз 5—6 йил ичида комплекс қуриб битказилсин.

Лойиҳа ишлари сифатини яхшилаш зарур. Бир қанча ҳолларда ишлар қийматини арзонлаштириш мақсадида смета қиймати асоссиз равишда пасайтирилмоқда. Бу эса келгусида қурилиш сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Кўпинча маҳаллий шароит ҳисобга олинмаган ҳолда жўн қарорлар қабул қилинмоқда. Инженерлик коммуникациялари ва хусусан водопроводлар соҳасидаги лойиҳа ечимлари айниқса мақбул эмас. Шоли суғориш системаларини комплекс лойиҳалаштириш билан шуғулланувчи ихтисослаштирилган институт ташкил этиш тўғрисидаги масалани ўртага қўйиш вақти келди.

Партия ва Совет органлари янги қурилаётган совхозларда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектларини ишга туширишда номувофиқлик вужудга келаётганлиги муносабати билан ҳақли равишда эътироз билдирмоқдалар. Айни вақтда планлаштириш органлари бир неча бор илтимос қилишимизга қарамай, ҳар бир комплекс гектар лойиҳа қийматини талаб даражадагидан паст белгиламоқдалар. Бу эса уй-жой коммунал ва маданий-маиший объектлар қурилишида орқада қолишга сабаб бўлмоқда.

Бизлар ўртага қўйган масалалар ижобий ҳал этилади, деб ишонамиз. **(Қарсаклар).**

Депутат Н. Р. РАЖАБОВ нутқи

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚУРИЛИШ МИНИСТРИ

Ҳозир бутун мамлакат КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумининг материалларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Пленумда сўзлаган нутқини, СССР Олий Совети VIII сессиясининг қарорини чуқур ўрганмоқда. Халқимиз бу материалларда партиянинг совет кишиси, унинг турмушини яхшилаш тўғрисида, тинчлик ҳақида ҳормай-толмай ғамхўрлик қилаётганлигининг яна бир ёркин далилини кўрмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг, жойлардаги партия ва совет органларининг капитал қурилишга катта эътибор бераётганликлари туфайли қурилиш министрлигининг ташкилотлари, беш йилликнинг икки ярим йили мобайнида кўпдан кўп жуда муҳим халқ хўжалик объектларини, уй-жойлар ва социал-маиший объектларни фойдаланишга топширди, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми ва суръатларини йилдан йилга ошириб бормоқда. 1983 йилда министрлик олдига катта-катта вазифалар қўйилди.

Белгиланган топшириқларни бажариш қурилиш ишлари барча бўғинлари фаолиятининг яхшиланишини тақозо этишини яхши биламиз. Кўпгина бирлашмаларимиз, трестларимиз қувватларини ошириш биринчи навбатдаги зарурат ҳисобланади. Ишлаб чиқариш базаларини ривожлантириш масалалари биз учун ғоятда актуалдир. Ҳатто Узбекшахтострой, Фарғонадаги 8- ва Чирчиқдаги 160- каби кекса етакчи трестларимизда ишлаб чиқариш базаларининг қувватлари йилдан йилга кўпайиб бораётган иш программаларига мувофиқ келмаётир, трактор заводи, тўқимачилик комбинати, лаккбўёқ заводи каби муҳим-муҳим объектлардаги ишларни бажараётган Ташпромстрой бирлашмаси эса умуман ишлаб чиқариш базасига ва зарур миқдорда ўз уй-жой фондига эга эмас. Ҳозир биз шу ишни тузатиш ҳаракатидамиз. Узстройиндустрия заводларида йиғма-темир бетон, айниқса саноат ишлаб чиқариши учун янги турқумдаги темир-бетон тайёрлаб чиқазувчи қувватларни, шунингдек бевосита тестларнинг ўзида бетон ва қоришма тайёрлайдиган қувватларни ривожлантириш чоралари кўрилди.

Узстройиндустрия бирлашмасига қарашли 2-Тошкент темир-бетон буюмлар заводининг коллективи буғ ўрнига қуёш энергиясидан фойдаланиб, конструкциялар тайёрланадиган полигон ташкил қилди. СССР Госстройи темир-бетон илмий-тадқиқот институти иштирокида шу полигонда конструкциялар тайёрлаш янги технологияси тамомила пишиқтирилди ва бундай конструкциялар кўплаб чиқарила бошланди. Министрликнинг бошқа корхоналарида ҳам шундай гелиополигонлар ташкил этиш мўлжалланган.

Қарши, Наманган, Урганч ва Термизда йирик панелли уйсозлик заводлари қуришни ниҳоясига етказиш ҳамда бошқа заводларда илгари ишга туширилган қувватларни ўзлаштириш борасида кўп ишлар қилинмоқда.

Объектлар, биринчи навбатда уй-жойлар бир маромда ишга тушиб туришини таъминлаш — яқин фурсатда ҳал этишимиз лозим бўлган биринчи навбатдаги вазифалардан биридир. Шу муносабат билан республика Министрлар Совети ва Госпланига мурожаат этиб, область ижроия комитетлари ҳузурида уй-жой ва социал маданий-маиший объектлар қуриш юзасидан ягона буюртмачилар хизматини мустаҳкамлаш ҳамда шу объектларни икки йилга мўлжаллаб планлаштиришни албатта амалга ошириш масаласини кўриб чиқишларини сўраймиз.

Министрлик коллективи беш йилликнинг учинчи йили топшириқлари муваффақиятли бажарилиши учун барча куч-қуввати ва тажрибасини аямайди, деб ишонтиришга рухсат этгайсиз. **(Қарсаклар).**

Депутат Б. ОМОНОВ нутқи

САРИОСИЕ РАЙОНИДАГИ «КОММУНИЗМ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ БОШ ДИРЕКТОРИ

Кейинги икки ярим йил ичида Сариосиё районимизнинг ўзидагина 30 минг квадрат метрдан зиёд уй-жой, 2688 ўқувчи ўрни бўлган мактаблар, 1470 ўрни бўлган болалар муассасалари, клуб, касалхона, дам олиш уйи, социал, маданий ва маиший аҳамиятдаги бошқа кўп объектлар қурилди ва фойдаланишга топширилди. Капитал қурилиш соҳасида анчагина ишлар қилинди. Шуларга қарамай бу борада жиддий камчилик ва нуқсонларимиз ҳам йўқ эмас. Баъзи объектлар фойдаланишга ўз вақтида ва сифатли қилиб топширилмаяпти. Уй-жойларни канализациясиз, газсиз, ичитиш системасисиз, телефон тармоқларисиз топширишга ошиқиш ҳоллари ҳам бор. Ишдаги бундай нуқсоқларга қатъиян барҳам бериш керак.

Қурилиш учун жавобгар кишиларнинг масъулиятини ошириш лозим. Районимизда Шарғун ғишт заводи бор. Завод чиқараётган ғиштнинг ярми яроқсиз. Аммо бинокорлик материаллари саноати министрлиги нима учундир бундан ҳеч бир ташвиш чекмаяпти. Бирлашмамиз территориясида йилига 15 миллионта ғишт қуядиган завод қуришга қарор қилинганди. Шу завод учун машина-ускуналарни не машаққатлар билан келтирди-ю, аммо лойиҳа-смета ҳужжатлари турли сабаблар билан ушланиб турибди ва ўша машина-ускуналар икки йилдан бери бекор ётибди.

Бизга ишлаб чиқаришни олға силжита оладиган онгли, ишчи интизоми керак. Интизом учун курашни ишлаб чиқариш топшириқлари бажарилиши билан бевосита боғлашимиз лозим.

«Коммунизм» агросаноат ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнаткашлари 1983 йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик плани ва мажбуриятларини шараф билан бажарадилар, деб ишонтираман. **(Қарсаклар).**

Депутат Н. В. ДУХАНОВ нутқи

НАВОИЙ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, олға томон ҳаракатимиз суръатлари кўп жиҳатдан капитал қурилишга боғлиқдир. Умуман беш йилликнинг ўтган даври мобайнида Навоий қурилиш бошқармаси бош пудрат ишлари ва ўз кучлари билан қуриш планларини бажарди. 1982 йилда бажарилган ишларнинг амалдаги ҳажми 1980 йилдагига нисбатан 11 процентдан зиёд ошди. Қурилишнинг ташкилий-техникавий даражаси такомиллаштирилмоқда. 75 та бригада бригада пудрати методи билан ишламоқда ва иш ҳажмининг 40 процентидан кўпроғини бажармоқда. Мазкур коллективларда ишлаб чиқариш унумдорлиги одатдаги бригадаларга қараганда анча кўпдир.

Ҳозирги вақтда Навоий шаҳри қурувчилари ва монтажчилари олдида айниқса масъулиятли вазифалар турибди. Беш йиллик охирига бориб, электрохимия заводида йирик цехларни, Навоий кон-металлургия комбинати объектларини, темир йўл вокзалини ва бошқа саноат объектларини, шунингдек уй-жой ва социал маданий-маиший объектларни фойдаланишга топшириш зарур. Вазифаларнинг кўламлари ва тиғизлиги шаҳар меҳнаткашларидан ҳар бир участкада янада пухта ва чаққон ишлашни талаб қилади.

Айни вақтда бизлар капитал қурилишда ишларнинг аҳволи тиғиз бўлиб қолаётганлигини айтиб ўтишимиз лозим. Битказилмаган қурилиш ҳажми суст камайтирилмоқда. Капитал маблағларнинг анча қисми ўзлаштирилмаган.

Меҳнатни ташкил этишнинг паст даражада эканлиги, машина ва механизмлардан, қурилиш материалларидан оқилона фойдаланилмаётганлиги умумий қурилиш ва ихтисослаштирилган пудрат ташкилотлари ишида зарур даражада мувофиқлаштирилмаганлиги пудратчи қурилиш ташкилотларига қониқарсиз ишлаётганлигининг сабабидир. Иш вақтининг бекор кетишига ҳамон йўл қўйилмоқда.

Бригада пудратини ёйиш соҳасидаги ишларни актив такомиллаштириш талаб этилади. Қурилиш жараёнида лойиҳалар кўплаб ўзгартирилаётганлиги ва қайта ишланаётганлигини нормал ҳол деб бўлмайди. Қурилиш-монтаж ташкилотларининг ва буюртмачиларнинг ишида зарур тартиб ўрнатиш фойдаланилмаган резервларни ишга туширишни интизомни яхшилаш, планларни рўёбга чиқариш юзасидан контролликни кучайтириш зарур.

Шаҳримизда қурилиш кўламлари кенгайганлиги, область ташкил этилганлиги ва унинг ишлаб чиқариш кучларини жадал ривожлантириш зарурати пудрат ташкилотлари ишлаб чиқариш базасини янада кўпроқ мустаҳкамлашни талаб этади. Бу масалада уй-жой қурилиши проблемаси Навоий шаҳри учун айниқса муҳим аҳамиятга эга. Бугунгача Навоий қурилиш бошқармасига қарашли йирик панелли уйсозлик заводининг қувватлари эҳтиёждан орқада қолмоқда.

Ривожланаётган саноатни ва уй-жой массивини сув, иссиқлик ва оқава сувларни баланслаштирилган ҳолда чиқариб ташлаш билан таъминлаш — биз учун жиддий муаммодир. Бу муаммоларни ҳал этиш учун республика органлари ёрдам беришлари керак.

Навоий меҳнаткашлари бундан буён ҳам қурилиш ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш учун қатъий чоралар кўрадилар, деб ваъда беришга рухсат этгайсиз. **(Қарсаклар).**

Депутат Э. АШУРОВ нутқи

«УЗКОЛХОЗСТРОЙ» БИРЛАШМАСИНИНГ РАИСИ

Колхоз бинокорлари ўн биринчи беш йилликнинг икки ярим йили мобайнида 880 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажардилар. Юз минглаб квадрат метр шинам уй-жой фойдаланишга топширилди, кўпгина мактаб, болалар боғчалари, касалхоналар, маданий-маърифий муассасалар қурилди.

Колхоз ва совхозларда оғилхоналар, паррандачилик фабрикалари, омборлар ва устахоналар қурилди. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган объектлар, жумладан тўқимачилик комбинатларининг, турли фабрикаларнинг филиаллари муддатидан илгари қуриб битказилди.

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми меҳнаткашлар орасида идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни яхшилаш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш заруратини таъкидлади. Бирлашманинг бўлинмаларида бригадирлар, прораблар, мастерлар, механизациялашган кўчма колонна бошлиқлари ва бош инженерларнинг ўқиши ташкил этилди. Бирлашманинг раҳбарлари, бошқармалар ва бўлимларнинг бошлиқлари, республика олий партия мактаби, олий ўқув юртларининг муаллимлари, «Билим» жамиятининг аъзолари уларга лекциялар ўқидилар, докладлар қилдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида меҳнат коллективларининг хўжалик ташаббусларини ривожлантириш зарурлиги таъкидланди. Бирлашмамиз тўла хўжалик ҳисоби асосида ишламоқда. Шунинг учун ҳам бошқариш ходимларини камайтириш, ташкилотларимизни йириклаштириш, ишлаб чиқаришга оид бўлмаган харажатларни камайтириш борасида доимий иш олиб борилмоқда. Аммо шуларга қарамай ҳозир бизда ҳар бир бўлим, бошқарма, механизациялашган кўчма колоннанинг қатъий белгиланган миқдори ва иш ҳақи штат рўйхатида маҳкамлаб қўйилган. Бизнинг фикримизча бўлим иш ҳақи йиллик ҳажмини белгилаб қўйиш, ходимлар сони ва ҳар бир кишининг иш ҳақини белгилашни раҳбар ихтиёрига қўйиш яхшироқ бўлур эди. Ўшанда иш ҳақи фондини тежаш, ишни яхшилаш мумкин бўлур эди.

Бирлашмада лойиҳа институти бор. Унда 1500 мутахассис ишлайди. Лойиҳачи инженер ишнинг битиш муддатларидан қатъий назар иш ҳақи олиб тураверади. Бу аҳвол бизни қониқтирмайди. Бултур бир неча группани хўжалик ҳисобига ўтказган эдик, натижаси чакки бўлмади —штатдан 266 кишини қисқартириб, 400 минг сўмдан кўпроқ пулни тежашимиз мумкин бўлди. Эксперимент тариқасида бутун институтни хўжалик ҳисоби системасига ўтказишимизга рухсат беришингизни сўрардик. **(Қарсаклар).**

Депутат Б. М. МАҲМУДОВ нутқи

ГУЛИСТОН ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Сирдарё областининг маркази Гулистон йилдан йилга кенгайиб, кўркамлашиб бормоқда. Унинг экономикаси ва маданияти гуркираб ривожланмоқда. Кейинги ўн йил ичида шаҳримизда катта-катта корхоналар— тиқувчилик фабрикаси, уйсозлик комбинати, ёғ-экстракция заводи пайдо бўлди. Социал, маданий ва маиший объектларни, уй-жойларни қуришга ҳам катта эътибор берилмоқда.

Қурилиш ташкилотлари иши самарадорлигини юксалтириш, объектларни ишга туширишни муддатларини қисқартириш, қурилиш ишлари сифатини ошириш масалалари диққат марказида турибди. Қурилиш ишлари билан боғлиқ масалалар шаҳар партия комитети бюроси ва пленумларида, халқ депутатлари шаҳар Советининг сессияларида, Совет ижроия комитетининг мажлисларида, бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишларида мунтазам равишда муҳокама қилиниб бормоқда. Бинокор кадрларни танлаш, уларни тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш, уларда меҳнатсеварлик, интизомлилик, тежамкорлик, талабчанлик каби фазилатларни такомиллаштириш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда. Шаҳар қурилишларига малакали, ғоявий чиниққан мутахассислар юборилмоқда.

Катта-катта қурилишлар устидан партиявий контрол кучайтирилмоқда. Бу нарса иш жараёнида вужудга келадиган қийин масалаларни ҳал этишда ўз вақтида ёрдам кўрсатишимизга имкон бермоқда.

Шуларга қарамай қурилиш ишларимизда ҳали жиддий камчиликлар, ҳал этилмаган проблемалар бор. Қурилиш ташкилотларининг бир маромда ишлашига, объектларни пландаги муддатларда фойдаланишга топириб туришга эришилмаган. Қурилиш ишларининг сифати ҳам етарлича юқори эмас. Қурилиш объектлари, меҳнат ташкилотларида план интизоми, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, моддий ресурслардан тежаб фойдаланиш учун ҳали кўп иш қилиш лозим. Раҳбарларнинг давлат планлари ва социалистик мажбуриятлар сўзсиз бажарилиши учун шахсий масъулиятини айниқса кучайтириш зарур.

Гулистонда уй-жой қурилиши проблемаси ҳаётий муҳим масала бўлиб қолмоқда. Шаҳар аҳолисининг сони кўпайиб борянти-ю, уй-жой қурилиши суръатлари талаб этилган даражадан орқада қолмоқда. Гулистон уйсозлик комбинати ишлаб чиқариш қувватлари, унинг маҳсулотларини тақсимлаш масаласи ҳал этилишини сўраймиз.

Бундан етти йил аввал область касалхонаси биноси қурила бошлаган эди. Шу муҳим объект қурилиши ҳеч қандай ассосиз йилдан-йилга чўзиб юборилмоқда. Пудратчи —Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги қурилишга етарли маблағ ажратмаяпти, республика Қурилиш министрлигининг бўлинмалари ажратилган шу маблағларининг учдан бир қисмини ҳам ўзлаштиргани йўқ. Область маркази касалхонаси қурилишини 1984 йилда фойдаланишга топширилиши лозим бўлган объектлар каторига киритишни сўраймиз. **(Қарсаклар).**

Депутат Н. ҚУРБОНОВ нутқи

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИ МИНИСТРИ

Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлиги агросаноат комплекси моддий техник базасини ривожлантириш, СССРнинг Озиқ-овқат программаси билан боғлиқ қувватлар ва объектлар қурилиши ва ишга туширилишини тезлатиш борасидаги топшириқлар сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилган чораларни ишлаб чиқди ва ҳозир уларни амалга оширмоқда.

Республикада чорвачиликни юксалтиришга ёрдам бериши лозим бўлган объектларни қуриб битказиш тўғрисида министрлик ва унинг бўлинмалари алоҳида ғамхўрлик қилмоқда. Шу йилнинг ўзидагина қорамол ва чўчқа, гўштбоп парранда боқиладиган катта-катта бинолар ва бошқа объектларни қуриб, фойдаланишга топширишимиз лозим. Аммо иш суръати ҳамма ерда ҳам план топшириқларига мос келади, деб бўлмайди. Сурхондарё областидаги 11-трест ва Навоий областидаги 17-трест айниқса орқада қолмоқда.

Баъзи масалаларни ҳал этишда маҳаллий партия ва совет органларининг, шунингдек министрликлар ва идораларнинг ёрдам ва мададлари зарур. Бизнинг ташкилотлар бўлган кўпгина районларда капитал маблағ ва пудрат ишлари лимитлари етарлича ажратилмаганлиги натижасида механизациялашган кўчма колоннанинг иш билан таъминланиши бултурги иш даражасидан анча пастлиги маълум бўлди. Бирламчи қурилиш ташкилотларини йириклаштириш масалаларига жойларда қўллаб-қувватланмаяпти.

КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленумининг қарорлари қишлоқ бинокорларининг қишлоқларни социал қайта қуриш, қишлоқ жойларда шинам уй-жойлар, маданий-маиший объектлар ва бошқа объектлар қурилишини янада жадаллаштириш вазифаларини белгилаб берди. Республикамизда шу вазифаларни ҳал этишда аҳоли турмуш маданиятини юксалтирувчи республика кенгаши ҳал қилувчи таъсир кўрсатмоқда.

Посёлкаларнинг жамоат марказларида жойлаштирилувчи жамоат бинолари билан комплекс ҳолда қишлоқ аҳоли пунктлари қурилиш ишлари қўламлари кенгайиб бормоқда. Экспериментал посёлкалар қурилиши давом этмоқда. Бу посёлкаларда типовой сериядаги уй-жойлар билан бирга квартиралари битта ва иккита қаватда жойлашган эксперименталь уйлар қурилмоқда.

Қурилишни механизациялаш даражаси муттасил ортиб бормоқда ва шу билан қўл меҳнатининг ҳиссаси камаймоқда. Тармоқ программасининг амалга оширилиши илғор технологияни, самарали механизациялаш воситаларини жорий этиш ҳисобига сермеҳнат жараёнларнинг анча камайишини таъминлайди.

Меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш меҳнат унумдорлиги, қурилиш сифатини юксалтириш ва таннархини арзонлаштиришнинг муҳим резервидир. Шунинг учун ҳам бригада хўжалик ҳисобини янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. «Завод —транспорт-қурилиш» схемаси бўйича бригада пудрати жорий этила бошлади. 1990 йилга борганда йирик панелли уйсозлик заводларининг ҳаммасида шундай пудрат усулини қўллаш - мўлжалланади. **(Қарсаклар).**

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ VII СЕССИЯСИ

ҚУРИЛИШДА СИФАТНИ ЯХШИЛАЙЛИК, САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРАЙЛИК!

Депутат З. Т. МАҚСУМОВ нутқи

ОҚҚЎРҒОН РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Оққўрғон райони меҳнаткашлари барча совет кишилари сингари КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми, СССР Олий Совети VIII сессияси қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайланганлигини зўр мамнуният билан қабул қилдилар. Пленум қабул қилган қарорлар меҳнат коллективларида, партия ташкилотларида чуқур ўрганиб чиқилмоқда, бу қарорларни амалга ошириш тадбирлари ишлаб чиқилмоқда. Партия, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, меҳнатга онгли муносабатда бўлишни тарбиялашга ғоят жиддий эътибор берилмоқда.

Амалга оширилаётган тадбирлар яхши натижалар бермоқда. Барча саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари шу йил биринчи ярмининг планини ва юксак социалистик мажбуриятларини муваффақият билан бажарди. Қишлоқ хўжалиги ходимлари салмоқли муваффақиятларга эришди. Давлатга дон ва пилла сотиш топшириқлари ошириб бажарилди. Сабзавот, картошка, хўл мева кўплаб тайёрланмоқда.

Оққўрғон районида меҳнаткашларнинг маданий турмуш шароитларини юксалтириш борасида катта-катта тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу йилнинг ўзидагина минг квадрат метр шинам уй-жой фойдаланишга топширилди, мактабларда қўшимча синфхоналар, ошхоналар қуриб битказилди. Мактабгача болалар муассасалари қурилишига алоҳида эътибор берилмоқда.

Ишлаб чиқариш объектлари қурилиши жадаллашмоқда. Йил охиригача бир қанча оғилхоналар ишга туширилади, Алимкент ва Оққўрғон пахта заводларида янги цехлар, пахта сақланадиган омборлар фойдаланишга топширилади.

Шулар билан бир қаторда капитал қурилишни ташкил этишда камчиликлар ҳам бор. Районимизда совхозлар барпо этилганига 50 йилдан ошди. Аммо бу ерда ободонлаштириш ва қурилиш, айниқса уй-жой қурилиш ишлари суст бормоқда. Шу хўжаликлар учун етарлича бинокорлик материаллари ажратилмаяпти.

Колхоз ва совхозларда кооператив уй-жой қурилиши тегишли равишда ривож топгани йўқ. Аҳоли шахсий уйлар қуришда қийинчиликларга дуч келмоқда — бунда ҳам бинокорлик материаллари етишмайди.

Ана шу масалада бизга ёрдам берилишини сўраймиз. Оққўрғон районининг меҳнаткашлари беш йилликнинг учинчи йилида халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари юзасидан зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини тўла ва ортиғи билан бажарадилар, деб ишонтиришга рухсат этгайсиз.

(Қарсаклар).

Депутат М. ИСМОИЛОВА нутқи

КПСС XXV СЪЕЗДИ НОМЛИ УРГАНЧ ПИЛЛАКАШЛИК ФАБРИКАСИНИНГ ПИЛЛА УРОВЧИСИ

Областимизнинг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми, СССР Олий Совети сессиясининг қарорларини сиёсий активликлари юксалган ва меҳнат ғайратлари жўш урган ҳолда кутиб олдилар. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб якдиллик билан сайланганлиги бизни бағоят ҳурсанд қилди.

Уй-жойлар, корхоналар, социал-маданий объектларни ишга туширишни тезлатиш масаласи жуда катта аҳамиятга эга. Ушбу сессияда қабул қилинадиган қарор капитал қурилишда халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ролини, шубҳасиз, янада баланд кўтаради.

Республиканинг ҳамма ерида бораётганидек, областимизда ҳам қурилиш ишлари кўп. Шу йилнинг олти ойида 50 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди, 110 миллион сўмликдан кўп капитал маблағлар ўзлаштирилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча кўпдир. Мактаблар, мактабгача болалар муассасалари, касалхоналар қуриш ярим йиллик планлари ошириб бажарилди. Замонавий янги корхоналар, уй-жойлар ва коммунал объектлар областимиз қиёфасини таниб бўлмас даражада ўзгартириб юбормоқда. Шу билан бирга ана шу муҳим участкада ҳамон жиддий камчиликлар ва нуқсонлар бор. Ажратилган маблағларни ҳамма пудратчи ташкилотлар ҳам тўла-тўкис ўзлаштирянти, янги корхоналар ва ишлаб чиққариш қувватларини ўз вақтида фойдаланишга топширяпти, деб бўлмайди. Ҳозир ана шу камчиликларга барҳам бериш, қурилиш сифатини ошириш, илғор иш методларини ишлаб чиқаришга жорий этиш чоралари кўрилмоқда.

Хивада йигирув фабрикаси, Боғотда чинни заводи, Хазорасп да тикувчилик фабрикаси, Урганчда тикувчилик бирлашмасини қуриш ишлари ҳанузгача бошланмаганлиги бизни ташвишлантирянти.. Ўзбекистон ССР сув хўжалик қурилиши давлат комитети билан Республика қишлоқ қурилиши министрлигининг айбига кўра Хазорасп йигирув фабрикаси ва Боғот тикувчилик фабрикаси қурилиши орқада қолмоқда. Ана шу объектлардаги ишларни тезлатишда тегишли республика ташкилотлари бизга ёрдам беришларини сўраймиз.

Областимизнинг меҳнаткашлари Ўзбекистон ССР Олий Совети еттинчи сессияси қарорларини амалга ошириш учун куч-қувватларини аямайдилар, деб сизни ишонтиришга рухсат бергайсиз.

(Қарсаклар).

Депутат В. И. ПОВЕТКО нутқи

АНДИЖОН ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ

Андижон область ижроия комитети, халқ депутатлари маҳаллий Советлари партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларига амал қилиб, партия органлари раҳбарлигида меҳнат коллективларининг кучғайратларини экономика, маданиятни планли равишда ўстиришга, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришга, план ва мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашга, хизмат кўрсатиш соҳасини яхшилашга сафарбар этмоқдалар.

Партия билан ҳукуматнинг доимий ғамхўрлиги ва жуда катта ёрдами туфайли кейинги йилларда областда бир қанча янги корхоналар, филиаллар ва цехлар ишга туширилди. Андижон ип газлама комбинатида ва унинг районлардаги ўнта филиалида, Шаҳрихондаги шойи тўқиш фабрикасида, Андижон пойабзал фабрикасида, Ленинск трактор прицеплари заводи ва бошқа корхоналарда янги қувватлар ўзлаштирилди.

Областнинг экономика соҳасидаги муваффақиятлари халқ хўжалигини янада ривожлантириш асосларининг асоси бўлмиш капитал қурилиш билан чамбарчас боғланган. Ўн биринчи беш йилликнинг икки ярим йили мобайнида етти юз миллион сўмга яқин капитал маблағ ўзлаштирилди. 604 миллион сўмлик асосий фондлар, бир неча юз минг квадрат метр уй-жой, кўпгина мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари, касалхоналар, поликлиникалар, бошқа саноат ва маданий-маиший объектлар ишга туширилди. Қурилиш ташкилотларида илғор методлар актив жорий этилмоқда, механизация даражаси ошмоқда, бригада пудратидан кенг фойдаланилмоқда.

Чорвачилик ва паррандачилик иншоотларини қуриш ва мавжуд мана шундай корхоналарни кенгайтириш программаси муваффақиятли амалга оширилмоқда. Биз 1985 йилга борганда парранда гўшти етиштиришни 40 минг тоннага етказишни мўлжалламоқдамиз. Қурилаётган Киров, Балиқчи, Хўжаобод, Тошохур паррандачилик фабрикалари ва Пахтаобод ўрдакчилик комплекси ҳозирнинг ўзидаёқ маҳсулот бера бошлади.

Кооператив усулда ва якка тартибда уй-жой қуришни кўпайтириш учун бир қанча қўшимча чоралар кўрилди.

Шу билан бирга бизнинг амалий фаолиятимизда бир қанча жиддий нуқсонлар бор. Йилнинг биринчи ярми якунлари юзасидан қурилиш материаллари ўз вақтида етказиб берилмаслиги оқибатида бир қанча муҳим қурилишларда капитал маблағларни ўзлаштиришда жиддий қолоқликкга йўл қўйилди. Йилнинг биринчи ярмида Озиқ-овқат программаси объектлари: паррандачилик фабрикаси ва чўчқачилик комплекси моддий ресурслар билан таъминланмаганлиги бизни, айниқса ташвишга солмоқда.

Область партия комитети билан область ижроия комитети вужудга келган аҳволни тузатиб олиш чораларини кўрмоқдалар. Конкрет тадбирлар ишлаб чиқилди, ишга туширилиадиган ҳар бир объектга моддий-техникавий ресурслар ва ишчи кучлари жамланмоқда, ишларнинг бориши устидан кундалик контроллик ўрнатилган.

Сўзимнинг охирида областимиздаги муҳим проблемалардан бири — уй-жой масаласига тўхталиб ўтмоқчиман. Маҳаллий Советлар йўли билан ҳам, уй-жой қурилишида корхона ва ташкилотларнинг ўз улушини қўшиши йўли билан ҳам уй-жой қуриш ҳажмини кўпайтириш зарур. Бу вазифани амалий равишда ҳал қилиш учун эса Андижон уйсозлик комбинатини реконструкция қилиш ва кенгайтириш масаласи ҳал этилиши зарур.

(Қарсаклар).

Депутат Н. ҚЎЧҚОРОВ нутқи

НАМАНГАН 10-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИ ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ КОМСОМОЛ ЕШЛАР КОМПЛЕКС БРИГАДАСИНИНГ БОШЛИҒИ

Бугун биз барча бинокорларни тўлқинлантирувчи энг муҳим масалалардан бири — капитал қурилишни қандай қилиб яхшилаш, ҳамма объектлар ўз муддатида ишга туширилишини таъминлаш масаласини муҳокама қиляпмиз.

Шаҳримизнинг меҳнаткашлари Ўзбекистон катта қурилиш программасини бажаришга муайян ҳисса қўшмоқдалар. Ўн биринчи беш йилликнинг ўтган даври ичида 103,5 миллион сўмлик капитал маблағлар ўзлаштирилди, 10 минглаб квадрат метр уй-жой, кўпдан кўп мактаблар, мактабгача болалар муассасалари, касалхоналар, бошқа объектлар ишга туширилди. Атлас комбинатида, химия заводи, уйсозлик комбинатида катта-катта қувватлар ишлай бошлади. Қурилиш индустриясининг моддий-техник базаси йилдан йилга мустаҳкамланиб, қурилиш ишларини ташкил этиш такомиллашиб бормоқда, қурилиш сифати яхшиланмоқда.

Меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантириш янги формаларига планли равишда ўтиб бориш тўғрисидаги бешинчи йилликнинг иккинчи йили ичида қурилишлардаги меҳнат унумдорлиги анча ортди. Ҳозир шаҳардаги барча бригадаларнинг 41 процентида бригада пудрати асосида ишламоқда, улар бажараётган қурилиш-монтаж ишларининг салмоғи жами иш ҳажмининг 45 процентини ташкил қилмоқда. Қурилиш ишлари комплекслилигини ошириш чоралари кўрилмоқда.

Республикадаги ўн беш нафар илғорларнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган ташаббусини қўллаб-қувватлаган менинг бригадам ҳам объектлар қурилишига муайян ҳисса қўшди. Бригада зиммасидаги мажбуриятларини муддатидан илгари бажарди, деб коллектив номидан айта оламан. Бутун ўн биринчи беш йилликка мўлжалланган қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини 1 июнгача бажариб қўйдик. Ўз бригадамизда звено иш методини жорий этдик ва такомиллаштиряпмиз. Бу нарса одамларни янада тўғри жой-жойига қўйишимизни таъминлаётган, иш вақтининг нобуд бўлишини камайтирмоқда, технология ва меҳнат интизомини мустаҳкамламоқда.

Аммо докладда айтиб ўтилган камчиликлар шаҳримизнинг бинокорларида ҳам бор. Трест ишлаб чиқариш базасининг қувватлари суст оширилмоқда, моддий-техник таъминотда узилишлар бўлишига йўл қўйилмоқда, қурилиш-монтаж ишлари ва айниқса, пардозлаш ишларини механизациялаш даражаси етарлича эмас. Объектларни қуриш муддатларига ҳамиша ҳам риоя этилади, деб бўлмайди, шуларнинг айримлари паст сифат билан топширилмоқда. Энг муҳими эса биз бригада пудратини жорий этиш каби резервдан ҳали тўла-тўкис фойдаланаётганимиз йўқ.

Меҳнат интизоми ва кадрлар қўнимсизлиги масаласи кескин. Бу проблемалар қурилиш трестининг коллективида уй-жой етишмаслигига кўп даражада боғлиқ. Бинокорларимиз учун уй-жойлар қуришга маблағ кўпайтирилишини сўрардик. **(Қарсаклар).**

Т. Б. БОЙМИРОВ нутқи

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ГОСКОМВОДСТРОЙ»ИНИНГ РАИСИ

Катта-катта гидротехник иншоотлар, ирригация-мелиорация системаларини бунёд этиш, шунингдек комплекс равишда совхозлар қуриш учун тузилган Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети катта ҳажмдаги ишларни бажармоқда. Комитет қурувчилари коллективлари икки ярим йил якунларига кўра программадан икки ойдан зиёд ўзиб ишламоқда. Ўн минглаб гектар янги суғориладиган, яхшилаб текисланган, мелиорация жиҳатидан яхшиланган ва реконструкция қилинган ер фойдаланишга топширилди. Андижон сув омбори асосан қуриб битказилди, бир қанча селхоналар, насос станциялари, канал ва суғориш системалари барпо этилди.

Комитет ташкилотлари Озиқ-овқат программасини ҳал этишга ҳисса қўшиш йўлида кўпгина чорвачилик объектларини, шу жумладан Андижон, Тошкент, Самарқанд областлари ва бошқа областларда катта-катта чорвачилик комплекслари, паррандачилик фабрикаларини қурмоқда.

Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети комплекс қурилишга катта эътибор бермоқда. Бунда ишлаб чиқариш объектлари билан бирга уй-жой корпуслари, мактаблар, болалар боғчалари ва бошқа маданий-маиший объектлар ҳам қурилмоқда.

Шуларга қарамай, партия ва ҳукуматнинг хўжалик қурилишида халқ депутатлари Советларининг ролини янада ошириш тўғрисидаги қарорлари жойларда янада яхши бажарилса капитал қурилишда айниқса, уй-жойлар, социал-маданий ва маиший объектларни қуришда аҳвол бундан ҳам дурустроқ бўлур эди. Бу нарса планлар ишлаб чиқишни тезлатишга, уларни янада реал қилишга, энг муҳими эса контролни кучайтириш ҳисобига объектлар ўз вақтида сифатли битказилишини таъминлашга имконият берган бўлур эди.

Қурувчилар ўз камчиликларини, фойдаланмаётган резервларни яхши биладилар. Ҳамма ерда ҳам план бир маромда бажарилишига ҳали муваффақ бўла олганимиз йўқ. Комитет системасида ишлар программасини уддалай олмаётган бўлинмалар ҳам бор. Совхозларни қуриш суръатлари бундан ҳам яхшироқ бўлиши мумкин эди. Меҳнат унумдорлигини ошириш ва иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш юзасидан топшириқлар бажарилишини таъминлаш борасида айниқса кўп иш қилиш лозим.

«Госкомводстрой» бажараётган иш ҳажми йил стайин кўпайиб бормоқда. Лекин мавжуд моддий-техника базаси бугунги кун талабларидан орқада қолмоқда. Ҳамон эскирган туркумдаги уйлар қурилмоқда. Республикада комплекс равишда совхозлар қуришни тезлатиш учун комитет доирасида уйсозлик комбинати ва ғишт заводлари қуриш масаласини кўриб чиқиш лозим бўлса керак.

Бундан ташқари кейинги йилларда темир-бетонга бўлган талаб ғоятда кўпайиб кетди. Бинобарин темир-бетон конструкциялар комбинати ва янги темир-беточ буюмлари заводлари қуриш зарурати вужудга келмоқда.

(Қарсаклар).

Депутат Ғ. Ф. ФОЗИЛОВ нутқи

ФАРҒОНА ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Областимизнинг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми ҳужжатларини, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Пленумда сўзлаган нутқини дастуриламал сифатида қабул қилиб, ўз олдиларига қўйилган вазифаларни зўр бериб амалга оширишга ҳаракат қилмоқдалар.

Областимизнинг бинокорлари ўз фаолиятини муттасил яхшилаб бормоқдалар. Икки ярим йил мобайнида 760 миллион сўмлик капитал маблағлар ўзлаштирилди, 670 миллион сўмлик асосий фондлар, шу жумладан 30 та катта саноат корхонаси, ярим миллион квадрат метр уй-жой ишга туширилди. Битмаган ишлар ҳажми камайди.

Шу билан бирга халқ хўжалигининг ушбу муҳим участкасида жиддий камчиликлар бор. Биз қурилиш сифатини ошириш, қурилаётган ҳар бир объектни ўз вақтида топшириш учун ички резервлардан ҳамон тузук фойдаланмаяпмиз.

Бригада пудрати методини кенг ёйиш ҳеч кечиктириб бўлмайдиган вазифамиз ҳисобланади. Ташаббусларни ривожлантириш, интизомни мустаҳкамлаш, ҳар бир нарсани тежаб тергаш, моддий ресурслар, меҳнат ресурслари ва пул маблағларидан рационал фойдаланиш керак.

Қурилишлар материал билан ўз вақтида таъминланмаётганлиги, етарлича малакали планлаштириш йўқлиги ишимизга кўп жиҳатдан халақит бераётганлигини айтиб ўтиш лозим. Шулар сабабидан, жумладан, карбамид корхонаси қурилишига, фуран бирикмалар заводи, мебель деталлари комбинати қурилишига ажратилган капитал маблағлардан тўла-тўкис фойдаланилмаяпти.

Шаҳримиз йилдан йилга ўсиб, аҳолиси кўпайиб бормоқда. Ҳолбуки аҳолини уй-жой, газ, электр энергияси билан таъминлашда катта қийинчиликларга дуч келяпмиз. Бу борада бизга республиканинг тегишли министрликлари, план органларининг ёрдамлари керак. Бизнинг фикримизча уйсозлик комбинатини реконструкция қилиш иккинчи навбати лойиҳасини бошқатдан кўриб чиқиш керак.

Фарғона области ва шаҳрининг кўп миллатли ва кўп минг кишилик бинокорлари коллективи янги-янги муваффақиятларга эришиб, ўз олдиларига қўйилган вазифаларни муваффақият билан бажаради, деб ишонтиришга рухсат бергайсиз. **(Қарсаклар).**

УЙ-ЖОЙ—МУЛКИМИЗ, УНИ АСРАЙЛИК!

ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг УЙ-ЖОЙ КОДЕКСИ ЛОЙИҲАСИ ТЎҒРИСИДА ДОКЛАД ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

Депутат В. В. КИСЛОВ нутқи

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Қорақалпоғистон АССР меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумининг, ССР Иттифоқи Олий Совети саккизинчи сессиясининг якунларини баланд руҳ билан кутиб олдилар.

Пленум ва сессия материаллари автоном республика меҳнатчилари учун ҳаракат программасидир. Бу материаллар меҳнаткашларнинг шу йилги ва ўн биринчи беш йилликдаги топшириқларни тўла ҳамда ошириб бажаришга сафарбар қилиш соҳасидаги бутун амалий фаолиятга асос қилиб олинади.

Коммунистик партия билан Совет давлати совет кишиларининг фаровонлигини янада ошириш, уларнинг уй-жой, маиший шароитларини яхшилаш ҳақида доимо ғамхўрлик қилмоқдалар. Бу — автоном республикамизнинг мисолида яққол намоёндир. Йил сайин тобора кўпроқ уй-жой қурилиб, фойдаланиш учун топширилмоқда. Шундай бўлса ҳам уй-жой проблемаси ҳамон ўткир бўлиб турибди. Бу проблемани ҳал этиш етарли миқдордаги шинам ва замонавий квартиралар барпо этишнигина эмас, шу билан бирга квартираларни тўғри тақсимлашни ва улардан унумли фойдаланишни, уй-жойга тааллуқли қонунларни ривожлантириш ва такомиллаштиришни ҳам талаб қилади.

Мана шу талаблар муносабати билан Ўзбекистон ССРнинг уй-жой кодекси лойиҳасини муҳокама қилиш алоҳида актуаллик касб этади. Лойиҳада амалдаги уй-жой ҳуқуқи нормаларига нисбатан бир қанча мутлақо янги қоидалар баён этилган.

Бизнинг назаримизда уй-жой кодекси лойиҳасига бир қанча қоидаларни, жумладан:

— давлат ва жамоат уй-жой фондини ва уй-жой қуриш кооперативларининг фондини бошқарадиган органларнинг ваколатларини;

— халқ депутатлари Советлари, уларнинг ижрочи ва бошқарувчи органларининг уй-жой фондидан фойдаланилиши ва унинг сақланиши устидан давлат назоратини амалга ошириш вазифасини;

— давлат ва жамоат органларининг, корхона, муассаса, ташкилотларнинг ва мансабдор шахсларнинг уй-жой фондини сақлаш ва унинг ободончилигини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш вазифасини;

— гражданларнинг уй-жой биноларининг сақланишини таъминлаш вазифасини, уй-жойлардан хўжасиларча фойдаланишда, шунингдек уй-жой қонунларини бошқа тарзда бузишда айбдор бўлган кишиларнинг масъулиятини кўзда тутувчи қоидалар киритилса, соз бўлур эди.

Ўзбекистон ССР Уй-жой кодексининг тақдим этилган лойиҳасини тасдиқлашни таклиф қиламан.

Янги уй-жой қонунининг ҳамма нормаларига қаттиқ риоя этилиши гражданларнинг СССР Конституциясида ва Ўзбекистон ССР Конституциясида гарантиялаб берилган уй-жойлик бўлиш ҳуқуқини таъминлашга, уй-жой муносабатлари соҳасидаги қонунларни мустаҳкамлашга ёрдам беради. **(Қарсаклар).**

Депутат М. Р. АЗИМОВА нутқи

ТОШКЕНТ ГРАМПЛАСТИНКАЛАР ЗАВОДИНИНГ ЗАРЯДЛОВЧИ СЛЕСАРИ

Ушбу сессияда муҳокама қилинаётган кодекс лойиҳасида ўз аксини топган гражданларнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи Конституциямизда гарантиялаб берилган. Бу ҳуқуқ давлат ва жамоат уй-жой фонди жадал суръатлар билан ривожлантирилаётганлиги, кооператив ва хусусий уй-жой қурилишига ёрдам бериш юзасидан давлат қабул қилаётган тадбирлар, уй-жой майдонлари жамоатчиликнинг қатъий контроллиги остида тақсимланаётганлиги, шунингдек квартира ва коммунал хизматлар учун кам ҳақ тўланаётганлиги билан таъминланмоқда.

Ўзбекистон ССРнинг муҳокама этилаётган Уй-жой кодекси лойиҳасида давлат ва жамоат ташкилотларига, мансабдор шахслар ва гражданларга уй-жой тўғрисидаги қонунларга қатъий риоя этиш мажбуриятини юклайдиган муҳим тадбирлар кўзда тутилган.

Идораларга қарашли уй-жой фондини маҳаллий Советлар балансига ўтказиш тўғрисидаги қарор қатъият билан бажарилиши зарур. Идораларга қарашли бутун фондни топшириш графиги ва шарт-шароитларини тасдиқлаш, унинг бажарилиши устидан қаттиқ контрол ўрнатиш мақсадга мувофиқдир. Уй-жой фондини марказлаштириш шаҳарлар ва районлардаги уй-жойлардан фойдаланиш ва ремонт-қурилиш ташкилотларини йириклаштиришни талаб қилади. Бу ташкилотларни зарур материаллар, машиналар, асбоб-ускуналар ва бошқа техника билан таъминлаш зарур.

Уй-жой фондининг сақланишини таъминлаш ҳамда уй-жой кодекси талабларининг бажарилиши борасида, у ерда яшовчиларнинг масъулиятини ошириш учун курашда аҳоли жамоатчилик фаолиятини активлаштириш керак.

Ўзбекистон ССРнинг Уй-жой кодекси республика уй-жой хўжалигини янада ривожлантиришга, уй-жой фондининг сақланишини таъминлашга, уй-жойларни адолатли тарзда тақсимлашга, мазкур масалаларни ҳал этишда давлат ва жамоат ташкилотлари масъулиятини оширишга кўмаклашади, уй-жой хўжалигини бошқаришда жамоатчиликнинг кенг қўламда иштирок этиши учун шарт-шароитни вужудга келтиради.

Мен Ўзбекистон ССРнинг уй-жой кодекси лойиҳасини маъқуллайман ва уни тасдиқлашни сўрайман. Шу билан бирга лойиҳанинг 33-моддасида кўрсатилган уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган кишилар доирасини кенгайтириш тўғрисида таклиф бор. Баъзи касалликларнинг оғир кўринишларидан азоб тортаётган ва шу муносабат билан алоҳида квартирага муҳтожлик сезаётган, шунингдек қариндош бўлмаган ҳолда икки ва ундан ортиқ оила бир хонада ёки бир эшикдан кириладиган хоналарда яшаётган ҳамда алоҳида квартирага муҳтожлик сезаётган гражданлар учун бу ҳуқуқни кўзда тутиш мумкин, деб ҳисоблайман.

(Қарсаклар).

Депутат А. ХУДОЙҚУЛОВ нутқи

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ

Ўзбекистон ССРнинг уй-жой кодекси лойиҳаси муҳокама қилиниши гражданларнинг Конституцияга ёзиб қўйилган уй-жойлик бўлиш ҳуқуқини амалий равишда турмушга татбиқ этиш ишида жуда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Кодекс лойиҳасида принципиал янги қоидалар билан бирга илгари амалда бўлган уй-жой қонунларининг кўп йиллик тажрибада ўзини яхши оқлаган нормалари ҳам сақлаб қолинганлиги мутлақо тўғри.

Кодекс лойиҳасининг 17-моддаси халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳарлардаги район, посёлка, қишлоқ, овул Советларининг уй-жой фондидан фойдаланиш ҳамда унинг сақланишини таъминлаш соҳасидаги ваколатларини белгилаб, аниқ чегаралаб қўйган. Бу модда халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ўзларига қарашли уй-жой хўжалигига раҳбарлик қилиш соҳасидаги амалий фаолиятини яхшилашга ёрдам беради.

Бутун республикада бўлгани каби Самарқандда ҳам уй-жой фонди йил сайин кўпаймоқда, бу эса уй-жойлардан яхшироқ фойдаланилишини ва унинг дуруст сақланишини таъминлаш учун ижрокомнинг масъулиятини оширади. Уй-жой фондини капитал ремонт қилиш учун шаҳар ремонт-қурилиш трести тузилди. Жорий ремонт ўтказишда гражданларга ёрдам бериш учун махсус ремонт-қурилиш участкаси барпо этилди.

Шу билан бирга қуйидагиларга эътиборни қаратиш зарур деб ҳисоблаймиз. ССР Иттифоқи Олий Совети министрликлар билан идоларнинг зиммасига ўзларининг уй-жой фондини маҳаллий Советларга топшириш, шу тариқа ягона уй-жойлардан фойдаланиш ва ремонт-қурилиш ташкилотларини тузиш масъулиятини юклаган эди. Бундай қилиш уй-жойларнинг қайси идорага қарашли бўлишидан қатъи назар улардан фойдаланишни ва уларни ремонт қилишни таъминлаган бўлур эди. Бироқ, амалда бу масалалар жуда суст ҳал этилмоқда.

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг уй-жой қонунлари асослари амалга киритилгандан кейин Самарқанд шаҳар ижроия комитети уй-жой шароитларини яхшилашга мухтож бўлган гражданларни ҳисобга олиш тартибини қайтадан кўриб чиқди. Эндиликда шаҳардаги район ижроия комитетларида биринчи навбатда уй-жой бериладиганларнинг рўйхатларига инвалидлар ва Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари билан бир қаторда «Қаҳрамон она» унвонига эга бўлган оналарнинг оилалари, ёлғиз оналар ва эгизак туғилган оилалар, шунингдек давлат ёки жамоат вазифаларини бажариш чоғида, социалистик мулкни ва ҳуқуқ тартиботни ҳимоя қилиш пайтида ҳалок бўлган ёҳуд ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса натижасида ҳалок бўлган кишиларнинг оилалари ҳам киритилди. Қонун асосларида кўп болалик оилаларга ҳам биринчи навбатда уй-жой бериш тўғрисидаги қоида белгиланган. Кодекс лойиҳасида бу қоида тўғри ифодалаб берилган.

Бизнинг фикримизча, кооператив аъзолари ниҳоятдан чиққан ва эгаллаб турган уй-жой бўлинган тақдирда уларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қоида лойиҳага киритилиши зарур. **(Қарсаклар).**

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ VII СЕССИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Секретари депутат Г. Қ. ҲАЙДАРОВА доклади

Депутат ўртоқлар!

Ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг ушбу сессияси барча совет кишиларининг меҳнатдаги ғайрат-шижоати социалистик Ватанимизнинг куч-қудратини янада мустаҳкамлашга, Озиқ-овқат программасини амалга оширишга, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми олға сурган вазифаларни бажаришга қаратилган бир даврда ўтмоқда.

Барча совет кишилари партиямиз Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Юрий Владимирович Андроповнинг ана шу Пленумдаги нутқини якдиллик билан маъқулламоқдалар. Пленум ривожланган социализмнинг ҳозирги босқичида партия билан халқимиз олдида турган муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Ана шу вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш социалистик қонунчиликни тинмай мустаҳкамлаб боришни, қонунларимизни тағин ҳам такомиллаштиришни бевосита тақозо этади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг олтинчи сессиясидан кейинги вақт мобайнида республикамиз Олий Совети Президиуми бир қатор Фармонлар қабул қилдики, улар Конституцияга мувофиқ Олий Совет томонидан тасдиқланиши керак.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми дайдилик ҳамда тиламчиликка ва шу каби текинхўрларча кун кечиришга қарши курашни кучайтириш мақсадида 1982 йил 16 декабрда республиканинг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Фармон қабул қилди. Бу Фармонда ижтимоий-фойдали меҳнатдан бўйин товловчи шахсларни тарбия-меҳнат профилакторийсига юбориш, илгаригидек, маъмурий чора ҳисобланмай, эндиликда жиноий жазо чораси ҳисобланиши белгилаб қўйилди. Жиноят кодексининг дайдилик қилиб юрувчи ёки бошқача тарзда текинхўрларча кун кечирувчи шахсларнинг жавобгарлиги белгилаб қўйилган 220-моддаси янги таҳрирда баён этилди. Кодексга бошқа ўзгартишлар ҳам киритилди. Фармон 1983 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилди.

Шу муносабат билан 1982 йил 16 декабрда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Хроник алкоголиклар ва гиёвандлик (наркомания) касаллигига йўлиққанларни мажбурий даволаш ва меҳнатда қайта тарбиялаш тўғрисида»ги 1964 йил 5 ноябрь Фармонига зарур ўзгартишлар киритилди.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда социалистик мулкни қўриқлашни янада яхшилаш, меҳнат коллективларида халқ бойлигига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш туйғусини тарбиялаш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика Жиноят кодексининг 114-моддасига ўзгартишлар киритиб, ана шундай жиноят қилганлик учун бериладиган жазони кучайтиради. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Давлат ёки жамоат мулкини оз миқдорда талонторож қилганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги 1970 йил 24 сентябрь Фармони янги таҳрирда берилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1982 йил 31 декабрда Ўзбекистон ССР Жиноят ва Ахлоқ тузатиш-меҳнат кодексларига Иттифоқ қонунларидан келиб чиқувчи ўзгартиш ва қўшимчаларини киритди. Бу ўзгартишлар озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чораларининг таъсирчанлигини оширишга, ҳуқуқбузарларга уларнинг шахсини ва жамият учун хавфлилик даражасини ҳисобга олиб янада табақалашган ҳолда ёндашишни таъминлашга қаратилгандир.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1983 йил 28 январдаги Фармонига биноан Ўзбекистон ССР Жиноят кодексини спорт каратэси секциялари очиш ёки уларга гражданларни қабул қилиш қоидаларига риоя этмаганлик учун ёхуд каратэ секцияларида спорт қоидалари билан тақиқлаб қўйилган усулларни ўргатганлик учун, шунингдек каратэ усулларини ўзбошимчалик билан ўргатганлик учун маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин қонун-қоидани шу йўсинда бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаб қўювчи 210-модда билан тўлдирди. Бунда айбдор бўлган шахслар икки йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки беш юз сўмгача штраф солиш билан жазоланадилар.

Айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда қилинган бундай жиноят учун айбдор молмулки мусодара этилган ёки мусодара этилмаган ҳолда беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1983 йил 28 январь куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми каратэни ўргатиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш тўғрисида ҳам Фармон қабул қилиб, бунда айбдор бўлган шахсларни эллик сўмгача миқдорда штраф солиш билан жазолашни кўзда тутди.

Гражданларнинг истак-талабларини қондириш мақсадида республика Министрлар Советининг тақдимига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1983 йил 28 январда «Гражданларнинг мўйнали гўштхўр ҳайвонлар боқишини тақиқлаш тўғрисида» Фармон қабул қилди. Ана шу Фармонга биноан гражданларнинг ўз шахсий мулкида кулранг-қорамтир тулкилар, шимол тулкилари, норка ва бошқа мўйнали гўштхўр ҳайвонлар боқиши тақиқлаб қўйилди. Бу Фармонни бузишда айбдор бўлган шахслар мазкур ҳайвонлар мусодара этилган ҳолда йигирма сўмдан эллик сўмгача миқдорда штраф солиш билан жазоланадилар. Бу Фармон 1983 йил 1 апрелдан кучга кирди.

Республикада ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи бор ёввойи ўсимликларни сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1983 йил 28 февралда «Ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи бор ёввойи ўсимликларни ўзбошимчалик билан олганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш тўғрисида» ҳам Фармон қабул қилди. Бу Фармон талабларини бузишда айбдор бўлган гражданларга эллик сўмгача ва мансабдор шахсларга юз сўмгача миқдорда штраф солиш тариқасида маъмурий жавобгарлик белгиланиб, улардан ғайриқонуний олиб кетилган ўсимликлар ва келтирилган зарарнинг ўрни қайтариб олинадиган бўлди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1983 йил 28 февралда республика Гражданлик кодексига Конституция талабларидан ҳамда СССР Олий Совети Президиумининг «ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг гражданлик қонуни Асосларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиқувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритди.

Республика меҳнат қонунларини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1983 йил 28 февралда «Ўзбекистон ССР Меҳнат қонунлари кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Фармон қабул қилди. Меҳнат қонунлари кодексининг бир неча касб (лавозим)ларни қўшиб олиб борганлик учун меҳнатга ҳақ тўлаш, бошқа жойдаги ишга қабул қилиш чоғида ва бошқа жойдаги ишга ўтказилган чоқда компенсация тўлаш, ҳомиладорлик, туғиш ва бола парвариши юзасидан отпуска бериш каби масалаларни тартибга солувчи моддалар янги таҳрирда баён этилди. Баъзи моддалар эса уларнинг мазмунини конкретлаштириб берувчи янги қоидалар билан тўлдирилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1983 йил 31 мартда «Ўзбекистон ССРнинг Ахлоқ тузатиш-меҳнат, Жиноят-процессуал ва Жиноят кодексларига ўзгартишлар ҳамда қўшимчалар киритиш тўғрисида» Фармон қабул қилди. Бу ўзгартиш ва қўшимчалар ахлоқ тузатиш-меҳнат, жиноят-процессуал ва жиноят қонунларини ривожлантиришга уларни Иттифоқ қонунлари билан мувофиқлаштириб чиқишга қаратилгандир.

Ўша 31 март куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми «Ўзбекистон ССРнинг Никоҳ ва оила кодексига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш тўғрисида» ҳам Фармон қабул қилди. Бу Фармон билан Кодекснинг болаларга ота-оналари фамилиясини бериш масалаларини тартибга солувчи 76-моддаси янги таҳрирда баён этилди, 217-моддаси эса никоҳдан ўтиш ва туғилганликни қайд этиш ишлари никоҳ ва туғилиш тантанали қайд этиладиган саройлар ва уйларда ҳам амалга оширилиши тўғрисидаги қоида баён этилган иккинчи қисм билан тўлдирилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1983 йил 31 мартда «Турмушдаги шовқинларга қарши кураш талабларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик тўғрисида» Фармон қабул қилди. Бу Фармонда шу нарса белгилаб қўйилдики, тунги вақтда гражданларнинг осойишталиги ва нормал дам олишини бузганлик учун айбдор бўлган гражданлар маъмурий тартибда огоҳлантирилади ёки уларга ўн сўмгача миқдорда штраф солинади, мансабдор шахсларга ҳам огоҳлантирув чораси қўлланилади ёки уларга йигирма сўмгача миқдорда штраф солинади.

Бир йил давомида ана шундай ҳуқуқбузарлик яна қайтарилса, айбдор шахсларга оширилган миқдорда штраф солиниши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг олтинчи сессияси билан ҳозирги сессияси ўртасидаги давр мобайнида республика Министрлар Совети Раисининг тақдимига биноан Ўзбекистон ССР ҳукуматининг баъзи аъзоларини лавозимга тайинлаш ва вазифасидан озод қилиш тўғрисида Фармонлар қабул қилинди.

Ўртоқ Тимофей Николаевич Осетров Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари қилиб сайланганлиги муносабати билан у 1983 йил 30 майда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод этилди, ўртоқ Виктор Константинович Михайлов эса республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари вазифасидан озод этилиб, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари қилиб тайинланди. 1983 йил 9 июнда ўртоқ Виктор Григорьевич Духанин Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари қилиб тайинланди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1983 йил 14 январдаги Фармонларига биноан Ўртоқ Анна Ивановна Бродова пенсияга чиққанлиги муносабати билан республиканинг аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министри вазифасидан озод этилди ва ўртоқ Виталий Павлович Куксенко Ўзбекистон ССР аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министри қилиб тайинланди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1983 йил 3 февралда ўртоқ Сервер Абдуллаевич Омеровни бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР қурилиш министри вазифасидан озод қилди, ўртоқ Назир Ражабович Ражабовни эса Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министри вазифасидан озод этиб, Ўзбекистон ССР қурилиш министри қилиб тайинлади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўзининг 1983 йил 7 февралдаги Фармони билан ўртоқ Набижон Ғаниевич Қурбоновни Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши раиси давлат комитетининг раиси вазифасидан озод этиб, Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиши министри қилиб тайинлади.

1983 йил 16 февралда Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши давлат комитетининг раислигига ўртоқ Тўхтамиш Боймиров тайинланди.

Ўртоқ Ҳабибулла Абдумажидович Шоғазатов Ўзбекистон Компартияси Жиззах область комитетининг биринчи секретари қилиб сайланганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1983 йил 18 февралда уни Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министри вазифасидан озод этди, Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министри қилиб ўртоқ Пўлат Нуъмонов тайинланди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1983 йил 7 апрелдаги Фармонларига мувофиқ ўртоқ Вали Муродхўжаев пенсияга чиққанлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР молия министри вазифасидан озод этилди, ўртоқ Ислом Абдуғаниевич Каримов эса Ўзбекистон ССР молия министри қилиб тайинланди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1983 йил 9 июнда, бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ишлар мудири вазифасидан озод этилган Нодир Умарович Каримовни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети составидан чиқариб, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ишлар мудири ўртоқ Тўлқин Ҳамидович Собитовни республика ҳукумати составига киритди.

1983 йил 30 июндаги Фармонлар билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми саломатлиги яхши бўлмаганлиги учун, ўз аризасига биноан ўртоқ Қудрат Эргашевни Ўзбекистон ССР ички ишлар министри вазифасидан озод этиб, ўртоқ Неъматжон Иброҳимовни Ўзбекистон ССР ички ишлар министри қилиб тайинлади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1982 йил 16 декабрдаги Фармони билан ўртоқ Виталий Александрович Зотов Ўзбекистон ССР Олий суди раисининг ўринбосари қилиб сайланди, 1983 йил 3 июнда қабул қилинган Фармон билан эса бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан ўртоқ Александр Васильевич Попков Ўзбекистон ССР Олий судининг аъзоси вазифасидан озод этилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми сизларнинг муҳокамангизга киритилган Ўзбекистон ССР Қонуни ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Советининг Қарорлари лойиҳаларини кўриб чиқиб, уларни тасдиқлашингизни сўрайди. **(Қарсаклар).**

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ БАЪЗИ КОДЕКСЛАРИГА ВА БОШҚА ҚОНУНИ АКТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ҲАМДА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг:

«Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 1982 йил 16 декабрь Фармони;

«Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Хроник алкоголиклар ва гиёвандлик (наркомания) касаллигига йўлиққанларни мажбурий даволаш ва меҳнатда қайта тарбиялаш тўғрисида»ги Фармонига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 1982 йил 16 декабрь Фармони;

«Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Давлат ёки жамоат мулкини оз миқдорда талон-торож қилганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Фармонига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 1982 йил 16 декабрь Фармони;

«Ўзбекистон ССРнинг баъзи қонун актларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 1982 йил 16 декабрь Фармонининг биринчи банди;

«Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 1982 йил 31 декабрь Фармони;

«Ўзбекистон ССРнинг Ахлоқ тузатиш-меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 1982 йил 31 декабрь Фармони;

«Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига қўшимча киритиш тўғрисида»ги 1983 йил 28 январь Фармони;

«Каратэни ўргатиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги 1983 йил 28 январь Фармони;

«Гражданларнинг гўштхўр мўйнали ҳайвонлар боқишини тақиқлаш тўғрисида»ги 1983 йил 28 январь Фармони;

«Ўзбекистон ССР Меҳнат қонунлари кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 1983 йил 28 январь Фармони;

«Ўзбекистон ССР Гражданлик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 1983 йил 28 февраль Фармони;

«Ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи бор ёввойи ўсимликлар турларини ўзбошимчалик билан олганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш тўғрисида»ги 1983 йил 28 февраль Фармони;

«Ўзбекистон ССРнинг Никоҳ ва оила кодексига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 1983 йил 31 март Фармони;

«Ўзбекистон ССРнинг ахлоқ тузатиш-меҳнат, жиноят-процессуал ва жиноят кодексларига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 1983 йил 31 март Фармони;

«Турмушдаги шовқинларга қарши кураш талабларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги 1983 йил 31 март Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри.
1983 йил, 5 июль.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИНИ ҲАМДА ЎРИНБОСАРИНИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ВА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг:

Ўртоқ Тимофей Николаевич Осетровни бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1983 йил 30 май Фармони;

Ўртоқ Виктор Константинович Михайловни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1983 йил 30 май Фармони;

Ўртоқ Виктор Григорьевич Духанинни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1983 йил 9 июнь Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри
1983 йил 5 июль.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ СОСТАВИГА КИРУВЧИ АЙРИМ ШАХСЛАРНИ ЛАВОЗИМИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ВА ИШГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг:

Ўртоқ Анна Ивановна Бродовани пенсияга чиққанлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министри вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1983 йил 14 январь Фармони;

Ўртоқ Сервер Абдуллаевич Омеровни бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР қурилиш министри вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1983 йил 3 февраль Фармони;

Ўртоқ Назир Ражабович Ражабовни Ўзбекистон ССР қурилиш министри қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1983 йил 3 февраль Фармони;

Ўртоқ Набижон Ғаниевич Қурбоновни Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиши министри қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1983 йил 7 февраль Фармони;

Ўртоқ Тўхтамиш Боймировни Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши давлат комитетининг раиси қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1983 йил 16 февраль Фармони;

Ўртоқ Ҳабибулла Абдумажидович Шоғазатовни бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министри вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1983 йил 18 февраль Фармони;

Ўртоқ Пўлат Нўъмоновни Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министри қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1983 йил 18 февраль Фармони;

Ўртоқ Вали Муродхўжаевни пенсияга чиққанлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР молия министри вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1983 йил 7 апрель Фармони;

Ўртоқ Ислом Абдуғаниевич Каримовни Ўзбекистон ССР молия министри қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1983 йил 7 апрель Фармони;

Ўртоқ Нодир Умарович Каримовни бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети составидан чиқариш тўғрисидаги 1983 йил 9 июнь Фармони;

Ўртоқ Тўлқин Ҳамидович Собитовни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети составига киритиш тўғрисидаги 1983 йил 9 июнь Фармони;

Ўртоқ Қудрат Эргашевни соғлиғи ёмонлашганлиги муносабати билан берган аризасига мувофиқ Ўзбекистон ССР ички ишлар министри вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1983 йил 30 июнь Фармони;

Ўртоқ Неъматжон Иброҳимовни Ўзбекистон ССР ички ишлар министри қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1983 йил 30 июнь Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г.ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри
1983 йил 5 июль.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИНИ САЙЛАШ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИ АЪЗОСИНИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг:

Ўртоқ Виталий Александрович Зотовни Ўзбекистон ССР Олий Суди раисининг ўринбосари қилиб сайлаш тўғрисидаги 1982 йил 16 декабрь Фармони;

Ўртоқ Александр Васильевич Попковни бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий судининг аъзоси вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1983 йил 3 июнь Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри.
1983 йил 5 июль.

ЎЗБОШИМЧАЛИККА ЧЕК ҚЎЙИЛСИН

Илгари хабар қилинганидек, қариндошларининг таклифига биноан Қўшма Штатларга бориб, сўнгра Ватанига қайтиб келган совет гражданлари М. Л. ва А. М. Половчакларнинг ўғли — балоғатга етмаган Владимир Половчакни Америка маъмурлари АҚШда қонунга хилоф равишда ушлаб турибдилар. Владимир Половчак гарчи Америка суди яқинда у ота ва онасига қайтариб берилиши кераклиги тўғрисида қарор қабул қилган бўлса-да, унинг АҚШдан чиқиб кетиши тақиқланмоқда.

5 июль куни СССР Ташқи ишлар министрлигида АҚШнинг Москвадаги элчихонасига баёнот берилди. Унда Америка маъмурларининг позицияси халқаро ҳуқуқнинг ҳамма эътироф этган нормаларига қўпол равишда зид бўлиб, Хельсинки Якунловчи акти тегишли қоидаларини бевосита бузишдан иборат, деб таърифланди. Баёнотда Половчаклар оиласига нисбатан ўзбошимчалик тўхтатилиши, инсонпарварлик энг оддий нормалари оёқ ости қилинишига чек қўйилиши ва Владимир Половчакка ўз ота ва онаси ҳузурига Совет Иттифоқига тўсқинликсиз қайтиб келиш имконияти берилиши талаб қилинади.

(ТАСС).

КАНИКУЛНИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЎТКАЗИШАДИ

Москва, Ленинград, Волгоград ва СССРдаги бошқа шаҳарларнинг олий ўқув юртларида таълим олаётган афғон студентларидан 160 йигит ва қиз ёзги каникулни Ўзбекистонда ўтказишга қарор қилди. 5 июль куни республика пойтахти аҳолиси уларни самимий кутиб олди. В. И. Ленин номли майдонда дўст мамлакат халқи билан бирдамлик митинги бўлиб ўтди. Митинг қатнашчилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ҳамда жаҳонда биринчи ишчи ва деҳқонлар давлатининг асосчиси В. И. Ленин ҳайкали пойига, Номаълум солдат қабрига гулчамбарлар қўйишди.

Афғон йигит ва қизлари Ўзбекистонда бўлган вақтларида Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишадилар, халқаро туристик маршрутлар бўйича Самарқанд ва Бухорога сафар қиладилар. Программада бутун жаҳонга машҳур архитектура ёдгорликлари билан танишиш, ёшлар ташкилотларида учрашувлар ўтказиш, саноат корхоналари, колхоз ва совхозларга бориш кўзда тутилган.

(ЎзТАГ).

✦ СПОРТ ✦ СПОРТ ✦ СПОРТ ✦ СПОРТ ✦ СПОРТ ✦ СПОРТ ✦ СПОРТ



XII БУТУНЖАҲОН СТУДЕНТ-ЁШЛАР УНИВЕРСИАДАСИ

ҲАМ ҒАЛАБА, ҲАМ РЕКОРД

Канаданинг Эдмонтон шаҳрида студент-ёшларнинг универсиадаси ўйинлари давом этмоқда. Ҳар куни мусобақалар бўйича ғолиб спортчилар аниқланмоқда. Мамлакатимиз спортчилари универсиадада муваффақиятли иштирок этиб, медаллар сонини кўпайтиришга эришмоқдалар.

Совет Иттифоқи терма командаси составида республикамиз вакиллари ҳам муваффақиятли иштирок этишяпти. Москва олимпиадасининг кумуш медали совриндори А. Панфилов 1000 метр масофада ўтказилган велопойгада ғолиблик қилди. У маррага 1 минут 06,87 секунд вақт сарфлаб, биринчи бўлиб етиб келди.

Сузувчиларимиз учун ҳам навбатдаги универсиада жуда муваффақиятли бўляпти. 14 комплект мукофот бўйича ўтказилган мусобақаларнинг 11 тасида совет спортчилари ғолиб чиқишди. Тошкентлик студент С. Заболотнов чалқанчасига 200 метрга сузишда олтин медални олди. У ғалаба қучиш билан бирга Европа рекорди (2 минут 00,42 секунд)ни ўрнатди. Республикамизнинг яна бир вакили Лариса Белоконь эса 100 ва 200 метрга брасс усулида сузиш мусобақаларида қўш олтин медалга сазовор бўлди.

Суратда: (чапдан ўнгга) совет спортчилари А. Бузелите (2-ўрин), Л. Белоконь (1-ўрин) ва бронза медаль эгаси канадалик Л. Боршолт.

ЮПИ—ТАСС фотоси.

ФУТБОЛ

«ЖАЛЬГИРИС» — ДАВРА ҒОЛИБИ

Кеча Москвада ўтказилган Марказий Армия спорт клуби ва «Пахтакор» футболчиларининг мусобақаси билан мамлакат биринчилиги учун 46-чемпионатнинг биринчи давра учрашувлари тугади. Ўтган сешанба куни ўтказилган 7 матчдан сўнг оралиқ марраниг ғолиби аниқланди. Узоқ танаффусдан сўнг олий лигага чиққан Вильнюснинг «Жальгирис» футболчилари турнир жадвалининг биринчи поғонасини эгаллашди. Тўғри, командаларнинг турнир жадвалидаги ўринлари ҳали турма-тур ўзгариб бориши мумкин. Шундай бўлса ҳам Вильнюснинг «Жальгирис» ва Одессанинг «Черноморец» командаларининг юқори ўринларни эгаллаб турганликлари футбол муҳлислари учун таажжубланарли эмас. «Жальгирис» ва «Черноморец» клублари чарм тўп усталари бу йил яхши ўйин кўрсатишмоқда.

Биринчи давранинг сўнгги учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Динамо» (Мн) — «Спартак» — 3:2, «Динамо» (К) — «Нефтчи» — 0:0, «Металлист» — «Динамо» (Тб) — 4:3, «Шахтёр» — «Черноморец» — 2:0, «Днепр» — «Нистру» — 6:0, «Торпедо» (Кт) — «Арарат» — 0:0, «Торпедо» (М) — «Зенит» — 0:2, «Жальгирис» — «Динамо» (М) — 1:0.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

8 ИЮЛЬ, ЖУМА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Ўсмирлар ижоди. 10.10 — Ҳужжатли фильмлар. 10.50 — А. Бородин. 2-квартет. 11.20 — Сўна. Бадиий фильм. 2-серия. 12.25 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — Солдат ва илон. Телеспектакль. 17.35 — Олимлар — Подмосковьенинг агросаноат комплексига. 18.05 — Дўстлик байрами. 18.35 — Интернационалист Фриц Платтен. 18.55 — Мультфильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Ҳужжатли фильм. 19.50 — Фильм-концерт. 20.20 — Сўна. Бадиий фильм. 3-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Останкино концерт студиясида ёзувчи Ю. Семёнов билан учрашув. 23.35 — Дунё воқеалари. 23.50 — Фильм-концерт.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Илмий-оммабоп фильмлар. 9.45 — Менинг Ватаним — СССР. 10.15 — Болалар учун фильм. 11.20 — Шахмат мактаби. 11.50 — Инглиз тили. 12.20 — Ҳунартехника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади? 12.50 — Етти шамол тўдаси. 5-воқеа. 13.35 — Поэзия. И. Уткин. 14.20 — Концерт. 15.05 — Совет тасвирий санъати. 15.50 — Концерт. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Сиз яратган боғ. 19.30 — Саёҳатчилар клуби. 20.30 — Ҳайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Инсон. Ер. Коинот. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳар кеч ишдан сўнг. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Миш исмли мушукча. Қўғирчоқ спектакли. 12.10 — Касблар ҳақида ҳикоялар. 12.40 — Қўлингни бер, Қоплон. Бадиий фильм. 13.45 — Замандас. 18.05 — Ёшлик. 18.35 — Атеистик мавзуда сўҳбат. 18.50 — Телефильм. 19.00 — Мусобақа — омма ижоди. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ёзувчи ва замон. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Дирижёр ҳикоя қилади. 21.30 — Время. 22.05 — Дунё воқеалари. 22.35 — Зиммамга оламан. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-II. 18.00 — Химия. 18.30 — Телефильм. 19.20 — Озиқ-овқат программаси амалда. 19.50 — Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.25 — В. Маяковский туғилган кунинг 90 йиллигига. 21.30 — Москва-II.

Р. 03000. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 154.